

ISSN 2181-9521

№ 11-son, 2020



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL





# “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУ



Бош Қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини, албатта, барчамиз яхши тушунамиз.


Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

## МУҚАДДИМА

### Ўзбекистон халқи:

*инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети вояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намойён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирिशларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.*

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ



**8**  
**декабрь –**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Конституцияси кун!**





# НИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ ХАЛҚИМИЗ РИНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИДИР”

Ривожланган демократик мамлакатларда давлат ва жамият қурилишининг асоси ва ҳуқуқий ислохотларнинг таянчи сифатида конституция амал қилади.

Конституциямизда белгиланган давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳамда ташқи сиёсатнинг асосий принциплари бугун шиддатли тус олган ислохотларнинг бош мезони бўлиб хизмат қилмоқда.

Шубҳасиз, Бош Қомусимизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласида суд ҳокимиятининг тутган ўрни беқиёсдир. Шу боис судни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида шакллантириш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди. Конституциямизнинг бир қатор моддаларига суд тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилди.

Судлар фаолияти самарадорлигига эришиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судлари бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, шунингдек суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралик инстанцияларни бартараф этиш мақсадида вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибида қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялар бекор қилинди.

Апелляция ва кассация инстанциялари босқичида иш юзасидан юқори суд инстанцияси томонидан якуний қарор чиқариш кафолатлари мустаҳкамланди. Янги тартиб жорий

этилиши билан фуқароларимизнинг судма-суд овора бўлиб юриши каби салбий амалиётга барҳам берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси жазо тизимидаги қамоқ тарзидаги жазо тури бекор қилиниб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган мажбурий жамоат ишлари жазо тури киритилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш доирасида жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилди. Қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди.

Судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечиктиришни бартараф этиш, судларнинг ролини ошириш мақсадида суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди.

Судларда жиноят ишлари бўйича очик муҳокама принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш таъқиқланиб, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Қамоққа олиш тарзидаги сиртдан қабул қилинган эҳтиёт чораси устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи, шунингдек ҳимоячиларни далилларни тўплаш ва тақдим этишга бўлган ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз юртимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг кўламли ислохотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси вазифасини ўтамоқда. Шу боис, Бош қомусимизнинг моҳияти, хусусиятлари ва салоҳиятини ўрганиш ҳамиша давом этаверади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қанчадан-қанча бунёдкорлик ҳаракатларининг, эзгу мақсадларга йўналтирилган демократик ислохотларнинг, кучли фуқаролик жамияти қурилишининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилаверади.

**“ODILLIK MEZONI”  
илмий-амалий,  
ҳуқуқий журнал**

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

**Кенгаш раиси**  
Убайдулла МИНГБОЕВ

**Кенгаш аъзолари**  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Илҳом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Беҳзод МЎМИНОВ  
Шерзод ЮЛДАШЕВ

**Бош муҳаррир**  
Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**  
Гулчеҳра ГУЛЯМОВА

**Саҳифаловчи дизайнер**  
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг  
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори  
билан юридик фанлар бўйича диссерта-  
циялар асосий илмий натижаларини чоп  
этиш тавсия этилган илмий нашрлар  
рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил  
27 августда 0972-рақам билан  
кайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.  
Журналда эълон қилинган материал-  
лардан фойдаланилганда, манба қайд  
этилиши керак.

Босишга 27.11.2020 да руҳсат берилди.  
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ  
Буюртма № 12  
Адади 2386

Баҳоси келишилган нархда

“SIFAT XIZMAT MEDIA” МЧЖ  
босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент  
шаҳри, Юнусобод тумани,  
Олой кўчаси, 1-уй

# МУНДАРИЖА

Давр кўзгуси

**Замонавий  
концепцияга асосланган  
янги суд ҳокимияти**



6

Таҳлил



**Ўзбекистон Республикасида  
мустақил суд ҳокимиятини  
шакллантиришнинг асосий босқичлари**

9

Халқаро тажриба

**Якка меҳнат низоларини ҳал қилиш:  
Австралия қонунчилиги таҳлили**



12


Ибрат



**Дурли маржон қиссаси**

15

Кун мавзуси



**Конституция –  
халқимиз тафаккури  
ва ижодининг маҳсули**

16

Янги босқич

**Судлар фаолиятига замонавий  
ахборот-коммуникация  
технологияларини жорий  
этишнинг ўзига хос жиҳатлари**



18

Фуқаролик жамияти



**Одил судловда  
ошкоралик  
принципи**

21

Мутахассис мулоҳазаси

**Нодавлат нотижорат ташкилот-  
ларининг ҳуқуқий мақомини  
тақомиллаштириш зарурияти**



22



**Криёсий таҳлил** 24

**Кредитор манфаатларини таъминлашда астрентнинг ўрни ва аҳамияти**




**Тадқиқот** 30

**МДХ давлатлари қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясининг ҳуқуқий тартибга солиниши**



**Муҳим мавзу** 32

**Кредит муносабатлари билан боғлиқ низолар қандай тартибда ҳал этилади?**



**Умр ҳикмати** 34

**Ярим асрнинг зангори лавҳалари**



**Жараён** 35

**Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлиги учун қулай муҳит**



**Эксперт фикри** 36

**Жиноятлар таснифининг фарқланиши**



**Тараққиёт одимлари** 40

**“Суд-компьютер-техникавий экспертизаси” қандай афзалликларга эга?**



**Эътироф** 42

**“Мен юз ёшга кирсам керак”**




**Правовой документ** 46

**Вопрос теоретического и законодательного закрепления признаков административного акта**



**Вспомогательная репродуктивная технология** 49

**Проблемные аспекты законодательного регулирования суррогатного материнства**



**Важная тема** 50

**Цифровое право - правовая основа цифровой экономики**



**Антисоциальный феномен** 52

**Аспекты противодействия коррупции как сектора теневой экономики на современном этапе развития Республики Узбекистан**



**Административная реформа** 56

**Организационно-правовые основы регулирования государственной службы Республики Узбекистан**



**Truly deliver justice** 58

**Protection of national minority rights: an international overview**







**Холмўмин  
ЎДГОРОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Судьялар олий  
кенгаши раиси

## ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯГА АСОСЛАНГАН ЯНГИ СУД ҲОКИМИЯТИ

*Сўнги тўрт йил мобайнида суд тизимини мамлакатимиз тарққиётининг янги босқичи талаблари нуқтаи назаридан ўзгартиришга қаратилган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Конституциямизнинг 7 та моддасига суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни самарали амалга ошириш билан боғлиқ принципиал ўзгартиришлар киритилди. Давлатимиз раҳбари раислигида одил судловни таъминлаш борасидаги муаммоларни бартараф этиш, суд ҳоқимияти олдида турган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши икки мартаба бўлиб ўтди. Бир сўз билан айтганда, судни “адолат уйига айлантириш” давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди ва шу тариқа Ўзбекистонда суд ҳоқимияти ривожланишининг мутлақо янги бир даври бошланди.*

Пировард натижада суд органлари замонавий концепцияга асосланган янгича қиёфа касб этиб, ҳам шаклан ҳам моҳиятан ўзгарди. Бу ўзгаришлар нималарда намоён бўлади, деган табиий савол туғилади.

Суд ҳоқимиятининг мустақиллигини амалда таъминлаш, жамият ҳаётида судьялик касбининг нуфузини, обрў-эътиборини ошириш, юксак малакали ҳамда самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида судьяларнинг ваколатлари муддатлари қайта кўриб чиқилди.

Халқаро принцип ва стандартлардан келиб чиққан ҳолда, судьялик лавозимига биринчи беш йиллик, кейинги ўн йиллик ва муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи янги тартиб жорий этилди.

Ушбу тартиб БМТнинг Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларига тўла мос бўлиб, ўз навбатида, судьянинг ваколат муддатини судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшига қадар сақланиб қолишини назарда тутди. Президентимиз ушбу масала бўйича қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Биз бу борада жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиб, ўз тарихимизда биринчи марта шундай янгиликни амалга оширдик. Шу асосда судьяларнинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди. Содда қилиб айтганда, судья муддатсиз даврга тайинлансин, лекин у доим халқпарвар бўлиб, адолатли иш олиб борсин. Судья адолатли ҳукм чиқариши учун аввало халқни, унинг ҳаётини, дарду ташвишларини яхши билиши керак.”

Бугунги кунда ушбу норма суд амалиётида самарали қўлланилиб келинмоқда. Ҳозирда амалдаги судьяларнинг 50 дан ортиғи муддатсиз даврга тайинланган бўлса, 650 дан кўпроғи навбатдаги ўн йиллик муддатга тайинланди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, навбатдаги ўн йиллик муддатга ва кейинчалик муддатсиз даврга судьялик лавозимига тайинланадиган (сайланадиган) номзоднинг муносиблигини аниқлашда унинг ҳалоллиги, поклиги, адолатлилиги, қарор қабул қилишда қатъийлиги алоҳида инобатга олинади.

Илк мартаба фуқароларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилишга оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган маъмурий судлар ташкил этилди.

Ривожланган демократик мамлакатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда оммавий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган низоларни ҳал қилиш маъмурий судлар судловига ўтказилди.

Мамлакатимиз суд тизимидаги энг муҳим янгилик бу судьялар ҳамжамияти органи ҳисобланадиган ва суд ҳоқимияти мустақиллиги конституциявий принципига амал қилинишини таъминлашга кўмаклашадиган конституциявий орган – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Кенгаш ўз фаолиятини фақат қонунга бўйсунган ҳолда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга ошириши, Кенгаш фаолиятига аралашувга йўл қўйилмаслиги ва бу



қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилди.

21 нафар аъзодан иборат таркибда шакллантириладиган ушбу Кенгаш фаолияти очиқлик, шаффофлик, холислик, коллегиялик принципларига асосланган. Конституциявий органнинг асосий вазифаларидан бири – судьялар корпусини юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга, етарли ҳаётий тажрибага, мустақил мушоҳада юритиш, оқилона қарор қабул қилиш ва ўз қарори учун масъулиятни ҳис этиш кўникмаларига эга бўлган юқори малакали судьяларни танлаш ва тайинлаш бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан судьяларни тайинлашни (қуйи суд судьяларини) Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш тартиби бекор қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ваколатига берилди.

Кенгаш судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлашда номзодларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва жамиятдаги тутган ўрнидан қатъи назар тенглик принципига риоя қилади.

Худди шундай орган бугунги кунда Франция, Италия, Испания, Польша, Болгария ва бошқа хорижий давлатларда самарали тарзда ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлари мақбуллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар штат бирликлари судьялар ва ҳарбий судлар ходимларидаги ҳарбий хизматчилар ҳуқуқий мақоми, шу жумладан, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ҳуқуқ, имтиёз ва афзалликлар сақланмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тизимига ўтказилди.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунда Конституциявий суд судьясини алмаштириб бўлмаслик принципи тарихан биринчи марта жорий этилиб, судья ўз ваколатлари даврида алмаштирилмаслиги, судьянинг ваколатлари қонунда белгиланган тартибдан ҳамда асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхтатилиши мумкин эмаслиги белгиланди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссия тузилди. Унинг асосий вазифаси этиб суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш борасидаги муаммоларни, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш каби муҳим масалалар белгиланди.

Судьялик лавозимига номзодларнинг ёш цензи ўзгартирилди. Янги ислохотлар давригача ўттиз ёшдан кичик бўлмаган шахслар судья лавозимига тайинланиши мумкин бўлган бўлса, эндиликда ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкинлиги тўғрисида муҳим қоида киритилди.

Суд амалиёти таҳлиллари шуни кўрсатдики, судлар томонидан одил судловни амалга оширишда йўл қўйилаётган аксарият камчиликлар ва хатоларга айнан илк бор судьялик лавозимига тайинланган ва ўттиз беш ёшга тўлмаган судьялар ҳисобига тўғри келади. Бу эса аввал белгиланган ёш цензининг “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунида биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлашнинг асосий мезонларига муносиб келмаслигини кўрсатди. Жумладан, адолатли ва қонуний қарор қабул қилиш учун уларда етарли ҳаётий тажриба ва лаёқатлилиқ етишмаслиги аниқланди.







Судьялар учун ёш цензининг оширилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига ҳам ўзгартириш киритилиб, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига кириш ёши ҳам оширилди. Унга биноан захирага судьялик лавозимлари учун зарур билимга, етарли ҳаётий тажрибага ва бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган юқори малакали юристлар орасидан ўттиз уч ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича қамида беш йиллик иш амалиётига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киритилиши мумкин. Ушбу ёшнинг белгиланишида, шу жумладан, номзодларнинг шахсий фазилатларини ва касбий фаолиятини ўрганиш ҳамда Судьялар олий мактабида ўқиш муддатлари эътиборга олинган.

Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижасида ҳам ривожланган давлатларда судьялар ёшига нисбатан анча юқори талаблар белгиланганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, АҚШ ва Францияда судьялар учун аниқ ёш цензи белгиланмаган бўлса-да, бироқ мутахассислик бўйича зарур меҳнат амалиётининг юқорилиги ва бошқа талаблардан келиб чиқиб, ушбу лавозимга АҚШда 40-45 ёшдан, Францияда 40 ёшдан сўнггина амалда тайинланиш мумкин. Буюк Британияда эса мустақил адвокат лавозимида 10 йилдан 20 йилгача ишлаган шахсларгина судья мақомига эга бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, ёш цензи ўртача 35-45 ёшни ташкил этади.

Судьялар учун ёш цензининг оширилиши муносабати билан халқ маслаҳатчилари учун ҳам ёш цензи 35 ёш деб белгиланди.

Судьялик лавозимида биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий

кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида ўқитиш орқали судьялик касбига тайёрлашнинг янги тартиби ўрнатилди.

Адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментига ўтказилди.

Фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлишларининг олдини олиш мақсадида ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали “бир суд – бир инстанция” тамойили жорий этилиб, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилган суд қарорларини эса Олий суд томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари тақдимномасига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш белгиланмоқда. Бу ўз навбатида, судьяга жуда катта масъулият юклайди. Демак, суд барча ишлар бўйича чиқараётган суд ҳужжатлари ҳар томонлама асосли, қонуний бўлиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

Жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув институтини киритиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида йирик инвесторлар иштирокидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби – инвестициявий таркиб тузилиши белгиланиб, унинг зиммасига йирик инвесторларнинг (20 млн. АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритган) ва давлат органлари ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш вазифаси юклатилди.

***Хулоса қилиб айтганда, сўнгги тўрт йил давомида амалга оширилган суд ҳокимиятига оид том маънодаги демократик ислохотлар, янгилинишлар замирида инсонпарварлик вояси ётади. Зеро, судья ўзининг профессионал фаолияти билан мамлакатимиздаги кенг кўламли ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида жамиятнинг стратегик мақсадида айланган инсонпарварлик воясининг толмас ҳимоячиси бўлиши лозим.***

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУСТАҚИЛ СУД ҲОКИМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ



**Дилшод АРИПОВ,**  
юридик фанлар  
номзоди

*Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг иккинчи босқичи (2000-2016 йиллар) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2000 йил 2 июндаги Олий Мажлис II чақириқ 1-сессиясида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни амалга ошириш даври ҳисобланади.*

*Давлат раҳбари мазкур сессиядаги нутқида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотларга тўхталиб, ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунганини таъминлаш мақсадида суд тизимини янада ислоҳ қилиш кераклигини, суд жараёнида айблов ва Ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркорлигини, суд ислоҳотини ўтказиш жараёнида жиноий ва фуқаролик ишларини кўрувчи судьяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш ва бу масалаларни ташкилий жиҳатдан ҳал қилиш зарурлигини таъкидлаган эди.<sup>1</sup>*

Жумладан, 2000 йил 14 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-2682-сон Фармонида мувофиқ 2001 йилнинг 1 январидан мавжуд умумий юрисдикция судлари негизда Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари ташкил қилиниб, уларнинг тузилиши ва штат бирликларининг сони тасдиқланди. Умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилиши одил судлов сифатини оширишга имкон берди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция (шикоят) тартиби жорий этилиши суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари Ҳимоя қилинишида кўшимча кафолат бўлди.

Ушбу даврнинг энг асосий ҳужжатларидан бири бўлмиш “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирда қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлди. Янги таҳрирдаги қонунга кўра суд мустақиллигини таъминлашнинг мустаҳкам механизми яратилди, судьялар корпусини шакллантириш ваколатлари Адлия вазирлиги тасаруфидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва

лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига берилди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларни ташкил этиш механизми жорий этилди, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш Адлия вазирлиги қошидаги Суд департаменти зиммасига юклатилди, суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларини янада такомиллаштириш, судьялик лавозимларига етук, билимдон ва ҳалол мутахассисларни тавсия этишда қонунчилик ва ижтимоий адолат тамойилларига риоя этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 майдаги “Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида”ги ПФ-2599-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тузилди.

Судьяларнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 мартдаги “Судлар фаолияти таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги



120-сон қарори билан Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган – Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари (бўлимлари) ташкил этилди. Департаментга Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган Департамент директори – Адлия вазирининг ўринбосари раҳбарлик қилиши ва фаолияти тўғрисида Адлия вазирлига ҳисоб бериши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг “Судьяларнинг ҳамда суд процесслари қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 16 апрелда 1028-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди. Мазкур қарорда судьялар, уларнинг оила аъзолари ва суд процесси қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар идоралари зиммасига юклатилиб, хавфсизликни таъминлаш чоралари сифатида ҳимояланувчи шахс ҳақидаги маълумотларга эга бўлишни чеклаш, муайян шахсларни суд залдан чиқариб юбориш, ёпиқ суд мажлиси ўтказиш, шахсий, уй-жой ва мулкни кўриқлаш, курул ёки шахсий ҳимояловчи махсус воситаларни бериш, суд биноларини кўриқлаш кабилар назарда тутилди.

2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, унга кўра суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳудудий бўлимлари суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлинмаларининг суд ижрочилари зиммасига юклатилиб, уларнинг ваколатлари белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сон қарори билан вилоят судлари малака

ҳайъатлари зиммасига судьялар кадрлари захирасини шакллантириш, бўш лавозимларга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тавсия этилган номзодлар юзасидан таклифлар тақдим этиш, халқ маслаҳатчиларини танлаш, сайлаш ва ўқитиш ишларини ташкил этиш вазифаси юклатилиб, судларнинг малака ҳайъати котиби лавозими жорий қилинди. Шунингдек, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилди.

2001 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф-1471-сон фармойиши асосида Давлат-ҳуқуқий, суд тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш масалалари бўйича Кенгаш тузилиб, унинг таркиби суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ижро ҳокимияти органларидан жами йигирма тўрт нафар кишидан иборат этиб белгиланди. Мазкур Кенгашнинг асосий вазифаларидан бири сифатида суд органлари ходимларининг фаолиятини, уларнинг олиб борилаётган ислохотларни тушунишлари ва унга муносабатларини, ушбу жараёнга ўзларининг ҳиссаларини қўша олишлари каби ҳолатларни танқидий таҳлил қилиш белгиланди. Кенгашни тузишдан кўзланган мақсад мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини янада ривожлантириш, суд тизимини такомиллаштиришга қаратилган бўлса-да, бироқ юқорида қайд этилган вазифа суд ҳокимияти мустақиллиги принципига зид эди, чунки суд фаолиятини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ижро ҳокимияти органлари томонидан текширилиши бутун суд ҳокимияти мустақиллигига раҳна солса, судьяларнинг фаолиятини уларнинг ислохотларга муносабати ва унга ҳисса қўшиш мезонларига кўра баҳолаш барча судьяларнинг мустақиллиги принципига зид ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 13 мартдаги Ф-1924-сон фармойишига асосан мазкур низомга ўзгартириш киритилиб, Кенгаш ваколатларидан юқорида қайд этилган вазифалар чиқариб ташланди.

2003 йил 18 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 147-сон қарори қабул қилинди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Судлари ва адлия муассасаларини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судларини ривожлантириш, Ижро ишини ривожлантириш жамғармалари негизда ягона Судлар ва адлия органларини ривожлантириш



жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг биринчи навбатдаги вазифаси этиб умумий юрисдикция судлари биноларини қуриш ва таъмирлаш, уларни зарур моддий-техника воситалари билан таъминлаш белгилаб қўйилди. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш Адлия вазири бошқарадиган Кузатувчи кенгаш зиммасига юклатилди.

Шунингдек, мазкур даврда “Хабеас корпус” институтини қўллаш янада кенгайди. 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

Жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди, натижада озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилган шахслар салмоғи 2007 йилда 2000 йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ қисқарди. Ярашув институтининг киритилиши эса, кейинги етти йил ичида салкам етмиш минг кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилиши учун имкон берди.<sup>2</sup>

2007 йил 1 январдан кучга киритилган “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонун тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келган иқтисодий низоларни қисқа муддатда ва камҳарж ҳолда ҳал қилиш имкониятини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги ПФ-3993-сон Фармониға мувофиқ Адвокатлар палатаси ташкил этилиши билан ҳимоя тизимини ислоҳ қилишга, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтини янада кучайтиришга эришилди.

Худди шу йили 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-896-сон қарори асосида Олий суд ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ва суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4459-сон Фармониға кўра Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва ҳўжалик судлари судьяларининг ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари оширилди, судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш, шунингдек турар жойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси



тўлаб бориш жорий қилинди, судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиниб, судьяларнинг молиявий мустақиллиги янада кучайтирилди.

Мазкур босқичда мамлакатни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини тузиш концепцияси доирасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича кенг ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридий шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди.

Мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш тарихининг иккинчи босқичи суд мустақиллигини таъминлаш йўлида бошланган ислохотларнинг мантиқий давоми, суд ҳокимиятининг қонунчилик ва ижро ҳокимиятидан мустақил ҳолда фаолият юритиши учун ҳуқуқий асосларни кенгайтириш, мавжудларини халқаро талаблар асосида такомиллаштириш ҳамда бу борадаги кафолатларни янада кучайтиришга қаратилган ислохотлар даври бўлди. Ушбу даврда мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, уларнинг мустақиллигини кучайтириш масаласиға алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар кучайтирилди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Иккинчи чақирғиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 2000 йил 22 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.06.2008 йилдаги “Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-896-сон қарори.





Лола  
РАҲИМҚУЛОВА,  
ТДЮУ ўқитувчиси

## ЯККА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ: АВСТРАЛИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

*Австралияда 2020 йил март ойидан июнь ойига қадар иш берувчилар ва ходимлар ўртасида жами 102 та низо келиб чиққан, бу эса ўтган йилнинг мос даврига қараганда 68 тага камдир. Мамлакатда юзага келган меҳнатга оид низоларни ҳал қилишга нисбатан бўлган ҳуқуқлар конституциявий даражада ҳимоя қилинади.*

Эътиборлиси шундаки, дунё бўйлаб меҳнат низоларини ҳал қилиш механизмининг энг самарали усулини ўз меҳнат қонунчилигида ифода эта олган давлатлардан бири бу — Австралиядир.

Австралия қонунчилигига кўра, ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги меҳнатга оид муносабатлар федерал, давлат ва маҳаллий қонунчилик билан ҳамда умумий ҳуқуқ қоидалари асосида тартибга солинади. Хусусий секторда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари 2009 йилда ишлаб чиқилган “Адолатли иш акти” (“Fair work Act”)<sup>1</sup> қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонунда асосан иш ҳақининг энг кам миқдори, иш вақти, ишдан бўшатиш асослари каби масалалар кўриб чиқилади. Бундан ташқари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили ёки ижтимоий келиб чиқиши ва оилавий шароити билан боғлиқ камситиш натижасида келиб чиқувчи низоли ҳолатлар федерал даражада ёки маъмурий бирликлар даражасида 1977 йилдаги “Камситишга қарши акт” (“Anti-Discrimination Act”)<sup>2</sup> ҳамда 2010 йилдаги “Ходимларга тенг имкониятлар акти” (“Equal Employment Opportunity Act”)<sup>3</sup> билан ҳам тартибга солинади.

Демак, Австралияда меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш уч тоифада, яъни федерал, давлат ва маъмурий бирликлар даражасида ҳал этилади. Айтиб ўтиш жоизки, меҳнат низоларини ҳал қилишда муайян процессуал тартиб-қоидалар белгиланган.

Мазкур мамлакат меҳнат қонунчилигига кўра, якка меҳнат низолари сифатида иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқувчи ҳар қандай низо тан олинади.

### Якка меҳнат низоларига қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин:

- иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси шартлари юзасидан келиб чиққан келишимовчилик;
- ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жавобгарлик;
- иш берувчи томонидан ходимни ноҳақ ишдан бўшатиш;
- ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини, унинг ёши, жинси, ирқи ва эътиқодини камситиш;
- жинсий зўравонлик;
- меҳнат муҳофазаси;
- мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатлари.

Ўзбекистон меҳнат қонунчилигига кўра якка меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда иккита ваколатли орган иштирок этади. Булар корхона ҳудудида ўз фаолиятини олиб борувчи Якка меҳнат низолари комиссияси ҳамда туман (шаҳар) фуқаролик судлари. Австралия меҳнат қонунчилигига кўра, якка меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва уни ҳал қилишда учта ваколатли орган фаолият кўрсатади:

- 1) Адолатли иш комиссияси (Fair Work Commission);
- 2) Адолатли иш омбудсмани (Fair Work Ombudsman);



3) Австралия инсон ҳуқуқлари комиссияси (Australian Human Rights Commission)<sup>4</sup>

**Австралия миллий меҳнат қонунчилигига хос бўлган Адолатли иш комиссияси корхона ҳудудида меҳнат муносабатларини тартибга солувчи суд сифатида эътироф этилади. У 2009 йилда Fair Work Act нинг ижросини амалиётда татбиқ этиш учун жорий этилган. Комиссия қуйидагилар юзасидан келиб чиққан келишмовчиликларни кўриб чиқади ва ҳал этади<sup>5</sup>:**

1. Ноқонуний ишдан бўшатиш билан боғлиқ низолар;
2. Корхона раҳбарияти томонидан ходимга нисбатан ҳар қандай турдаги тазйиқ билан боғлиқ низолар;
3. Меҳнат шартномасини ноқонуний бекор қилиш ва шартнома шартларининг бажарилиши билан алоқадор низолар;
4. Энг кам ойлик иш ҳақини жорий этишга оид низолар;
5. Корхона раҳбари ва жамоаси ўртасидаги келишувларнинг ижроси бузилиши юзасидан келиб чиққан низолар;
6. Иш жойларида тарафлар ўртасида ўзаро муносабатларни барқарорлаштириш ҳамда ҳамкорликни янада кучайтириш, низоларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Шуниси эътиборлики, бугунги кунда меҳнат низоларини ҳал қилишда Адолатли иш комиссияси бошланғич бўғин сифатида асосий ўрин тутди. Шу билан бирга ушбу комиссия нафақат меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш статистикасини, балки мамлакат маъмурий бирликларида низоларни кўриб чиқишдаги ютуқ ва камчиликлар юзасидан Австралия жамоатчилиги олдида йиллик ҳисоботлар ҳам тақдим этиб боради.

Австралия ҳақиқатан ҳам яқка меҳнат низоларини ҳал этишда инновацион йўлларни топиш ва уни амалиётга татбиқ этиш борасида бутун дунё бўйича етакчи давлатлар қаторига киради. Мисол учун, Адолатли иш комиссияси низолашаётган тарафларни суд жараёнига иштирок этишидан олдин яқка тартибда шикоятларини телефон орқали эшитиш амалиётини жорий этган ва уни "Телефон орқали ярашиш" (Telephone conciliation) деб номлаган. Айтиб ўтиш жоизки, охириги йилларда ноқонуний ишдан бўшатишга оид низоларни тарафларни телефон орқали келиштирувга эришишга алоҳи-



да эътибор берилмоқда. Комиссия телефон орқали келиштириш жараёнига ўз соҳасининг профессионали бўлган медиаторларни жалб этади. Эътиборлиси, низолашаётган тарафлар телефон орқали келишув жараёнига мажбуран жалб этилмайди, лекин аксарият ҳолларда тарафлар юзага келган келишмовчиликларни телефон орқали ҳал этишга интилишади. Чунки, "Телефон орқали ярашув" (Telephone conciliation) нафақат вақтни максимал даражада тежайди, балки тарафларнинг ниҳоятда тез мурсага келишига замин яратади. Бугунги кунда Австралияда ҳар бешта низонинг тўрттаси айнан телефон мулоқоти орқали ҳал этилади<sup>6</sup>.

Адолатли иш омбудсмани Австралия меҳнат қонунчилиги доирасида ходимлар ва иш берувчиларга ўз меҳнат ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунишда амалий кўмак берувчи мустақил давлат агентлигидир.

**Бу агентлик ваколати доирасида қуйидаги фаолият билан шуғулланади:**

- инсонларга меҳнат қонунларидаги ҳуқуқлари ҳақида аниқ маълумот тақдим этади;
- ходимларни уларнинг иш берувчилари томонидан меҳнат қонунчилигига амал қилаётганлиги ҳақида хабардор қилади, жумладан, ходимга ишлаётган иш ҳақини тўғри расмийлаштираётганлиги хусусида;
- иш жойида ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳақида қонуний маслаҳатлар беради;
- яқка меҳнат низоларини ҳал қилишда амалий ёрдам беради.

Эътибор қаратишимиз лозим бўлган яна бир жиҳат шундаки, Адолатли иш омбудсмани ўз фаолиятида халқаро талаблар меҳнат фаолиятида дуч келган ҳар қандай масала юзасидан керакли маслаҳатлар бериш билан ҳам шуғулланади. Бунга улар Австралия меҳнат қонунчилиги мамлакат ҳудудида фао-





лият юритувчи барча учун баробардир ҳамда тенг имкониятлар тақдим этиши лозимлиги принципи доирасида ёндашади. Омбудсман хорижий фуқароларнинг Австралияда ишлаш имкониятини берувчи визаларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширмайди, ҳаттоки, сайтга келиб тушган аноним саволларга ҳам батафсил жавоб беради.

#### **Адолатли иш омбудсмани келиб тундаётган ариза ва шикоятларни қуйидаги босқичларда кўриб чиқади:**

- таҳлил. Бу босқичда шикоят мазмуни билан умумий танишиб чиқилади;
- низони ҳал қилиш. Тарафларга низони ҳал қилиш учун мунозарага киришиш ва муаммони ҳал қилиш йўллари таҳлил қилишга имконият яратиб берилади;
- Омбудсман томонидан ҳал этиш имкони бўлмаган низоларни бошқа ваколатли органга кўриб чиқиш учун юбориш. Ушбу арзлар жуда кичик ёки жуда мураккаб бўлиши мумкин. Ҳал этилиши мураккаб бўлган низолар меҳнат инспекторига кўриб чиқиш учун юборилади<sup>7</sup>.

Австралия инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия фаолияти парламент даражасидаги қонунлар билан тартибга солинадиган энг юқори ташкилот ҳисобланади. У инсон ҳуқуқларини нафақат давлат ҳудудида, балки унинг ташқарисида ҳам ҳимоя қилади.

#### **Австралия инсон ҳуқуқлари комиссияси меҳнат низоларига сабабчи бўлган қуйидаги камситишлар натижасида келиб чиққан низоларни кўриб чиқади:**

- инсонларнинг жинси билан боғлиқ бўлган камситишлар, жумладан, ҳомиладорлик ва лактация даври, оила ҳамда гендер тенгликка оид камситишлар;

- ногиронлиги туфайли вақтинча ёки умрбод меҳнатга қобилиятсизлиги, ақлий ёки жисмоний носогломлиги ва тузалмас касаллиги билан боғлиқ камситишлар;

- тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий қарашлари, ёши, танасининг ранги, иммигрантлиги билан боғлиқ камситишлар<sup>8</sup>.

Австралия инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ижрочи президенти ва 7 та аъзоси бўлган коллегиял орган ҳисобланади.

#### **Ушбу мамлакатда яқка меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:**

**биринчидан**, меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда муайян босқичлар белгиланганлиги ва юзага келган яқка меҳнат низолари дастлабки, ўрта ва юқори бўғинда кўриб чиқилиши;

**иккинчидан**, юзага келган келишмовчилик низо даражасига бориб етмасдан оқ локал тартибда ҳал этилиши механизмнинг яхши йўлга қўйилганлиги ва низоларнинг аксарият қисми айнан шу бўғинда ҳал этилиши;

**учинчидан**, Австралия меҳнат қонунчилигида бошқа давлатлар меҳнат қонунчилигида камдан-кам учрайдиган низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун алоҳида маслаҳат органи, яъни меҳнат Омбудсманнинг мавжудлиги ва унинг фаолияти қонунчилик доирасида тартибга солинганлиги;

**тўртинчидан**, Австралия меҳнат муносабатларида инсон ҳуқуқлари ҳимоясига алоҳида эътибор берилиши. Бунда бевосита инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Омбудсманнинг ваколат даражаси аниқ белгилаб қўйилганлиги.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <https://www.legislation.gov.au/Details/C2017C00323>
2. <https://www.legislation.nsw.gov.au/#/view/act/1977/48>
3. <https://www.humanrights.vic.gov.au/legal-and-policy/victorias-human-rights-laws/equal-opportunity-act/>
4. Resolving individual labour disputes: A comparative overview/ edited by Minasha Ebisui, Sean Cooney, Colin Fenwick; International Labour Office.-Geneva;ILO, 2016.P.33
5. <https://www.fwc.gov.au/about-us>
6. Resolving individual labour disputes: A comparative overview/ edited by Minasha Ebisui, Sean Cooney, Colin Fenwick; International Labour Office.-Geneva;ILO, 2016.P.33
7. <https://www.fairwork.gov.au/about-us>
8. <https://humanrights.gov.au/about/what-are-human-rights>



# Дурли маржон қиссаси

*Қози Абу Бакр ибн Абдулбоқий Баззор Ансорий Бағдодийдан ривоят қилинади:*

*Мен Макка яқинида турар эдим. Бир куни жуда оч қолдим ва очликни кетказадиган ҳеч нарса тополмадим. Инакдан тикилган ва попуғи ҳам инакдан бўлган бир ҳамён топиб олдим ва уни кўтариб уйимга йўл олдим. Уни очганимда ичида дурдан бўлган бир маржон бор экан. Мен олдин у каби маржонни сира кўрмаганман.*

*Кўчага чиқсам бир киши қўлида беш юз динор пулни кўтариб шундай деб жар соларди: “Ким менга ичида дури бор ҳамённи қайтарса бу мукофот уники”. Ўзимга-ўзим ичимда: “Мен муҳтожман, очман. Бу пулларни олиб фойдаланаман ва ҳамённи унга қайтараман”, дедим.*

*Унга: “Олдимга келинг”, дедим ва уни уйимга олиб бордим. У менга ҳамён, попук ва дурнинг белгилари, уларнинг сони ҳамда ҳамён нима билан боғланганини айтиб берди. Ҳамённи унга олиб чиқиб бердим. Шунда менга беш юз динор тутқазди. Лекин уни олмадим ва: “Ўзи мен уни сизга қайтаришим керак эди, унга энди мукофот олмайман”, дедим. У эса менинг берган нарсасини олишим кераклигини уқтирди. Унинг бир динорини ҳам олмадим. Кейин у ҳамённи олиб олдимдан чиқиб кетди.*

*Мен Маккадан чиқиб кемага миндим. Кема ҳалокатга учраб, одамлар гарқ бўлди ва моллари ҳам чўкиб кетди. Мен эса кеманинг бир бўлагидан омон қолдим. Бир муддат денгизда юрдим, қаерга кетаётганимни билмасдим. Одамлар яшайдиган бир оролга тушдим ва масжидларнинг бирига кирдим. Қироат қилаётганимни эшитиб оролдаги барча одам олдимга келиб: “Менга Қуръон ўргатинг”, деди. Уларнинг орқасидан кўп мол орттирдим.*

*Кейин масжидга кирсам Қуръон суралари ёзилган варақларни кўрдим. Уларни ўқий бошладим. Оролдагилар: “Ёзишни ҳам яхши ўзлаштирганмисиз?”, деб сўрашди. Ҳа, дейишим билан бизга ёзишни ўргатинг, дейишди. Улар кичик ва ўрта ёшдаги болалари билан олдимга келишди. Уларга ёзишни ўргатар эдим. Бу сабабли ҳам мен анча-мунча бойликка эга бўлдим. Улар бир куни: “Ичимизда бир етим қиз бор ва унинг мол-дунёси ҳам бор. Биз сизни унга уйлантирмоқчимиз”, дейишди. Рад жавобини берсам ҳам улар унга уйланишим лозимлигини айтишди. Кейин айтганларига рози бўлдим.*

*Тўй ўтгач у қизга қарай бошладим. Мен топиб олган маржоннинг айни ўзини унинг бўйнида кўрдим. Ўша пайт мен маржонга қарайдан бошиқа нарса қила олмасдим. Оролдагилар: “Шайх, маржонга бундай қараб етимнинг кўнглини синдириб қўйдингиз-ку. Нима учун унга бунча тикилиб қолдингиз?”, деб сўрашди. Мен маржон қиссасини уларга айтиб бердим. Улар бор овозлари билан таҳлил ва такбир айтиб юборишди. Оролдагиларнинг барчасига овозлар етиб борди.*

*Улар айтишди: “Сиздан маржонни олган киши бу қизнинг отасидир. У тинмай: “Мен дунёда мана бу маржонни қайтарган кишидек мусулмон одамни кўрмадим”, дер ва шундай дуо қилар эди: “Аллоҳим, у ва менинг ўртаимизни жамла, қизимга уни уйлантир”. Ҳозир ўша муддат келди ва ўша иш содир бўлди. Мен ундан икки фарзанд кўрдим. Кейин у вафот этди. Менга маржон ва икки ўғлим мерос қолди. Сўнгра икки фарзанд ҳам вафот этди ва маржонга эга бўлдим. Уни юз минг динорга сотдим. Менда сизлар кўриб турган бу мол-мулк ўшанинг пулидан қолганидир”.*

**Манба:** Ҳонеъ Ҳожнинг «Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса» асари Араб тилидан Аъзамхон Абдурахмонов таржимаси





**Худоёр МАМАТОВ,**  
Марказий сайлов  
комиссияси  
Котибият раҳбари,  
юримдик фанлар  
доктори, профессор

## КОНСТИТУЦИЯ – ХАЛҚИМИЗ ТАФАККУРИ ВА ИЖОДИНИНГ МАҲСУЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ғояси, мақсади, руҳи – ҳар бир қондаси Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, асрлар мобайнида шаклланган демократик қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан буён авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган ўзбекона ва шарқона давлатни идора этиш ҳамда халқ билан бамаслаҳат сиёсат олиб бориш анъаналарини ўзида тўла мужассамлаштирган.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади”<sup>1</sup>, деган фикрлари халқ билан бамаслаҳат сиёсат олиб бориш анъаналари давом этаётганлигининг амалий исботидир.

Қадимий Шарқ ҳамиша ўзининг азалий анъаналари, бетимсол қадриятлари билан кишилик жамиятига ўз таъсирини ўтказиб келган. Жумладан, Туронзамин жаҳоннинг улғу давлатчилик солномасида ўзининг қатор ҳокимият тузилмалари, доврўкли салтанатлари, давлат ишларини юритиш тажрибаси билан муносиб ўрин тутди. Айниқса, давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари барпо этилиб, бу борада муайян тажрибага эришилган. Халқнинг ҳуқуқий онги, маданияти ва маърифатини ўстириш баробарида, жамиятда қонунлар устуворлигини таъминлаш, ҳамма учун бирдек тааллуқли, адолатли, ҳаққоний қонунлар ишлаб чиқиш механизмлари яратилган. Шу боис ҳам “ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир”<sup>2</sup>.

Халқимизда “Кенгашли тўй тарқамас” деган ғоят ибратли бир мақол бор. Ижтимоий ҳаётимизнинг қайси бир жиҳатига эътибор қаратмайлик, мана шу ҳикматга амал қилинишини кузатишимиз мумкин. Қайси бир жойда ибратли бир иш бўлса, у – кенгашилган тадбирнинг натижаси эканига гувоҳ бўламиз. Бу бежиз эмас, зотан биз улғувор ўтмишимиздан шундай сабоқ олганмиз. Соҳибқирон Темур ўз тузукларида шундай таълим беради: “Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилуру... Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин... Ҳар кимдан сўз олиб кен-

гаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим”<sup>3</sup>.

Бу ҳақда машҳур немис тарихчиси Ф.Шлоссер ҳам шундай маълумот беради: “... саркарда, ҳоким ва қонунчи сифатида буюк талант эгаси эди. Ёлғонни ёмон кўрар, билимга муҳаббат қўйишдан маҳрум эмас эди. Унинг манзилида шоирлар, олимлар, машшоқлар ва мистиклар (сўфилар) кўп бўларди... у одил судья, илм-фан дўсти, бирга суҳбатлашишни хуш кўрадиган, рассомлар ва олимларнинг ҳомийси эди”<sup>4</sup>.

Бу фикр тўғридан-тўғри халқнинг хоҳиш-иродасини қонунларда ифода этиш, баайни унинг томонидан сайланган вакиллар орқали бажарилиши лозимлигини билдиради. Шунинг учун ҳам “Давлатнинг манбаи халқ” деган қоида барча замонларда ўз долзарблигини сақлаб келган. Жан Жак Руссо: “Қонунга итоат этгувчи халқ унинг ижодкори ҳам бўлмоғи лозим”<sup>5</sup> дейди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси”<sup>6</sup>, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, суверен Республикамиз Конституцияси – инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг демократик хартияси бўлиб, у ҳуқуқий ва инсонпарвар давлатни шакллантиришнинг стратегик дастури вазифасини ўтаб келмоқда. Конституция – давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий замини, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси сифатида майдонга чиқди. У энг тараққий топган, ривожланган давлатларнинг конституциявий тажрибаларига таяниш билан бирга, тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳуқуқий ҳужжат.

Конституция ўзбек давлатчилигини замонавий, маърифий асосда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш каби вазифаларга масъул ва кафолат бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг илк даврида қабул қилинган Конституция – шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда

ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Конституциямизнинг 18-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Дунё ҳамжамияти олдида янгиланган қиёфаси, халқаро ҳамжамият билан яқин қўшничилик, стратегик шерикчилик ҳамда ўзаро ҳурматга асосланган очиқлик ва ошқоралик сиёсати билан танилиб, жаҳонда тутган ўрни ва нуфузи йилдан йилга юксалиб бораётган Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган инсонпарвар ислохотлар туфайли юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолати таъминланиб, замонавий демократик тараққиёт учун замин яратмоқда.

Айнан шу сабабли Конституциямизни эътиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, Асосий қонунимизда мужассам бўлган аждодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига синдиришимиз зарур.

Биз интилаётган демократик жамиятнинг истиқболи, биринчи навбатда, демократик қадриятлар ҳар биримизнинг қалбимиз ва онгимиздан қай даражада чуқур ўрин олишига, бу қадриятларнинг нечоғли асраб-авайланиши ва келажак авлодларга етказилишига бевосита боғлиқ. Бу борада эса Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш, конституцион талабларга қатъий риоя этиш даркор.

Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар замирида юртимиздаги турли миллат ва элат ижтимоий тоифа-ю, касбу-корга мансуб бўлган кишиларни маънавий-мафкуравий тажовузлардан асраш, уларни огоҳликка чорлаш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг оқибатларини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг муҳими, миллий истиқлол ғояси асосида халқни бирлаштириш, жипслаштириш, ёш авлод онги ва қалбида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган тизимли ва аниқ мақсадли амалий ҳаракатлар мужассамдир.

Бугунги кунда юртдошларимизнинг нафақат билимини ошириш, балки улар қалбида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш билан боғлиқ демократик тафаккур ва янги ғояларни камол топтириш, уларни юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тараққиётини англаш йўлида эзгу ишларга рағбатлантириш, одамлар онгу шурида ҳаётимизнинг турли соҳаларида олиб бораётган кенг қамровли демократик ислохотларга дахлдорлик, бунёдкорлик, келажакка ишонч ва шукроналик туйғуларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

“Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови”, “Биз бугун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўйиб, маррани баланд олдик”, “Ўзбекистонда демократик ислохотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара

олмайди”, “Бу – кўп миллатли, бағрикенг, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг хоҳиш-истаги”, “Эл-юртимиз, жаҳон ҳамжамияти бизга катта ишонч билан қарамокда. Ана шу юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлиб, қатъият билан олға интилиб, кўзлаган улуғ мақсадларимизга биргаликда албатта етамиз”. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан айtilган бу ҳикматли даъватларнинг маъно-моҳияти бугун халқимизнинг, миллатидан қатъи назар, шу юрtda яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллади, том маънода қалб амрига айланди.

Асосий Қонунимизнинг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, деб белгилаб қўйилган. “Ўзбекистон халқи” тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжихатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшайди. Бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғояси жамиятимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжихатликнинг маънавий асосига айланмоқда. Бу ғоя ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратиб, уни ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этмоқда.

Истиқлол йилларида ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади — соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат, деган масъулият психологияси жамиятимизда қайта қарор топди.

Маънавий бой ва ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган ва юқори билимли, жисмонан бакувват ва ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш миллий истиқлол сиёсатининг узвий қисми ҳисобланади. Ҳозирги замонда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-хунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажagini таъминлаши мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. 14 декабрь 2016 йил. //Ўзбекистон Республикаси Президентининг Расмий веб-сайти. Воқеалар, нутқлар. <https://president.uz/uz/lists/view/111>
2. Каримов И.А. Буюк келажгимизнинг ҳуқуқий кафолати.Т.: Ўзбекистон, 1993. 6-бет.
3. Амир Темурайтлар. “Наврўз”. Т., 1992 й., 10-13 бб.
4. Всемирная история, 8-том, 503-504 бетлар, (1870 йилги нашри)
5. Сержило тафаккур дурдоналаридан. “Наврўз”. Т., 2003 й., - 250 б.
6. Шавкат Мирзиёев. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 7 декабрь 2017 йил. //Ўзбекистон Республикаси Президентининг Расмий веб-сайти. Воқеалар, нутқлар. <https://president.uz/uz/lists/view/1328>





## СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Саддам ҚОДИРАЛИЕВ,**  
ТДЮУ Суд, ҳуқуқни муҳо-  
фаза қилувчи органлар ва  
адвокатура кафедраси  
ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида судларни рақамлаштириш ва одил судловга эришиш бўйича амалга оширилган ишлар, бу борадаги АҚШ ва Германия тажрибаси ҳамда суд тизимлари фаолиятини рақамлаштириш ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** ахборот-коммуникациялар инфратузилмаси, электрон ҳужжат, кибер таъқиб, электрон ҳукумат, электрон ариза, техник восита, ахборот оқими, криптографик механизм.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены проблемы оцифровки судов и достижения справедливости в Республике Узбекистан, опыт работы США и Германии в этой области, а также оцифровка судебной системы.

**Ключевые слова:** информационная и коммуникационная инфраструктура, электронный документ, кибер-отслеживание, электронное правительство, электронное приложение, технические средства, информационный поток, криптографический механизм.

### ANNOTATION

This article discusses the challenges of digitizing courts and achieving justice in the Republic of Uzbekistan, the experience of the United States and Germany in this area, and the digitization of the judiciary.

**Keywords:** information and communication infrastructure, electronic document, cyber tracking, e-government, electronic application, technical means, information flow, cryptographic mechanism.

Замонавий ахборот-коммуникация воситаларини ҳаракатга келтириш ва фойдаланишнинг асосини ташкил этувчи интернет, ҳар бир фаолият соҳасига қулайлик олиб кириш билан бирга салбий томонларини ҳам намойиш этди. Интернет эркин ва самарали тартибга солилмаган мулоқотга имкон бериш орқали сўз эркинлигини оширса-да, бу кўпга жиноятчилик турларини содир этишни енгиллаштирди. Болалар порнографиясини тарқатиш, фирибгарлик, қимор ўйинлари, шантаж ва кибер таъқиблар шулар жумласидандир. Ҳатто, интернет орқали қотилликка даъват этиш ҳолатлари ҳам содир бўлмоқда<sup>1</sup>.

Шу ўринда савол туғилади: судларни рақамлаштириш унинг қайси фаолиятларига ижобий таъсир эта олади? Аввало, маълумотлардан кенг доирада фойдаланиш, яъни уларнинг суд органлари ўртасида эркин айланиши, қонунлардан фойдаланиш имкониятларининг бирмунча яхшиланиши, суд процессларини қайд этиб бориш, суд ишларини бошқариш ҳамда назоратини амалга ошириш, фаолиятдан ажралмаган ҳолда таълим олиш ва энг асосийси суд ҳокимияти органлари ўртасида турли масалалардаги алоқалар шулар жумласидандир.

Ривожланган дунё давлатларида кўп йиллардан бери суд ҳокимияти фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаб келишмоқда.

Америка Қўшма Штатларини суд фаолияти электрон шаклини қўллашнинг бошловчиси ва электрон ҳукумат ғоясининг асосчиси деб аташ мумкин. Америка Қўшма Штатларидаги электрон суди PACER (Public Access to Electronic Records) тизими асосланган. Тизим жуда кенг функцияларга эга. Имкониятларга тизимдаги ҳужжатларни юклаб олиш ва чоп этиш, суд мажлисидаги аудио ёзувларни кўриб чиқиш, ишнинг ҳолатини кузатиш каби функциялар киради. Буларнинг барчаси туну-кун кириш имконияти доирасида амалга оширилади. Тизим шунингдек, иш бўйича тўлиқ маълумотларни тақдим этади, масалан томонларнинг ва суд мажлиси бошқа иштирокчиларининг исми, ишнинг рақами, тарафларнинг процессуал ҳаракатлари, бошқа тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, иш бўйича суд қарорлари ва буйруқлари ҳамда ишнинг ҳозирги ҳолати. Ушбу тизимнинг қулайлиги шундан иборатки, у ишни тарафларнинг исм-шарифлари, низонинг моҳияти ҳамда ишни кўриб чиқаётган суд ҳақидаги маълумотларни қидириш имкониятини беради. Фойдаланувчи ушбу тизимда тақдим этилган барча маълумотларни кўри-

ши, қоғозга чиқариши, нусхалар олиши мумкин. Шунингдек, ташқи қурилмаларга юклар олиш имконияти ҳам мавжуд. Бироқ, у ёки бу ҳужжат тизимда бўлмаслиги, ҳали юкланмаган бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда суд тарафга унинг нусхасини тақдим қилиши керак бўлади.

Юқорида номлари келтирилган тизим 2010 йилда сезиларли даражада янгиланганига эътибор қаратиш керак. Шу вақтдан бошлаб у суд мажлислари аудио ёзувларининг кенг маълумотлар базаларига эга бўлишни бошлади. Ушбу тартиб рақам суд конференцияси ташаббуси билан қабул қилинган бўлиб, у ўтган йиллар тажрибасини таҳлил қилиш асосида фойдаланувчиларнинг ушбу маълумотларга бўлган алоҳида эҳтиёжлари сабабли ишда иштирок этувчиларга аудио маълумот бериш зарур деган хулосага келишди. Шу билан бирга, бундай маълумотларга киришни таъминлаш танлов асосида амалга оширилади, яъни бундай маълумотлар умумий кириш учун очиқ эмас. Тегишли суд раиси эса ҳар қандай суд мажлисининг аудио ёзувлари билан танишиш масаласини мустақил равишда ҳал қилади.

Америка Қўшма Штатларининг барча судлари электрон ариза бериш учун CM/ECF тизимидан фойдаланадилар. Тизим федерал судлар ўзаро алоқада бўлган асосий электрон платформадир. Ушбу тизим тарафларга, уларнинг вакилларига, адвокатларга Интернетдан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри судга ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини вужудга келтиради ва судларга ўзларининг файлларини сақлаш ва бошқариш ҳамда уларга доимий кириш ҳуқуқини беради. Тизимдан фойдаланиш учун сизга фақат стандарт ускуналар керак бўлади: компьютер, интернетга кириш имконияти, шунингдек, PDF (Portable Document Format) форматидаги ҳужжатлар билан ишлайдиган дастурий таъминот тўплами<sup>2</sup> шулар жумласидандир.

Қўшма Штатлардаги судларни рақамлаштириш билан боғлиқ масалаларда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, электрон суд дастурларидан фойдаланиш бўйича кўплаб ўқув материаллари мавжуд бўлиб, улар ўз навбатида ушбу турдаги электрон тизимлардан фойдаланишда профессионал кўникамага эга бўлмаган одамлар учун тақдим этади<sup>3</sup>. Юқорида айтиб ўтилган PACER тизими доимий равишда турли хил хизматлар билан тўлдирилмоқда ва ҳозирда унинг мобил версияси ҳам мавжуд. Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, АҚШда электрон одил судловни амалга ошириш узоқ тарихга эга, бу мамлакатни ҳақиқатан ҳам суд жараёнларида нафақат техник воситалардан фойдаланишга қадим кўйган дастлабки давлатлардан бири, балки электрон суд фаолиятини ривожлантириш даражаси ва сифати бўйича ҳам етакчи деб аташимиз мумкин.



Германия бу электрон суд амалиёти тажрибасини ўрганиш мумкин бўлган яна бир мамлакат. Германияда электрон суд тизимининг ишлаши учун энг муҳим восита бу электрон суд ва маъмурий почта қутиси ҳисобланади (EGVP). Ушбу тизимдан фойдаланиш учун фойдаланувчи шахсий компьютерида “Электрон суд ва маъмурий почта қутиси” махсус дастурини ўрнатиши керак. Дастур мутлақо бепул ва уни техник воситага осонлик билан ўрнатиш мумкин. Дастур муваффақиятли маъмурий ислохотлар натижасидир ва мамлакатдаги электрон суд қонунчилигининг янги қодаларини амалга оширишга ёрдам беради.

Германия қонунчилигига мувофиқ, илмий-техник алоқа воситалари аҳоли ва давлат аппарати ўртасида самарали ҳуқуқий ахборот оқимини таъминлаши шарт. EGVP тизими фойдаланувчиларга кеча-кундуз суд ахборот ресурсларидан фойдаланиш, маълумотларни ишончли узатиш, криптографик механизмлардан фойдаланган ҳолда хавфсиз алоқа, файлларни электрон тарзда қайта ишлаш, электрон почта хабарларини автоматик қабул қилиш ва барча аккредитация қилинган имзо карталарини қўллаб-қувватлаш каби имкониятларни тақдим этади<sup>4</sup>.

Судлов фаолиятининг процессуал қодалари суд жараёнининг хавфсизлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган турли талабларни ўз ичига олади. Электрон хабарларни тақдим этиш хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш судлардан тегишли техник ва ташкилий чораларни талаб этади. Судга тақдим этилган барча ҳужжатлар электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқланиши керак, у масъул шахснинг ҳақиқийлигини кафолатлайди ва қўлда ёзилган имзо ўрнини босади. Германия судларининг веб-сайтлари фойдаланувчига уларнинг ҳар бирида суд процедуралари қодалари билан танишишга ёрдам берадиган зарур маълумотлар билан тўлдирилган. Суд қарорлари расмий веб-сайтларда ҳам эълон қилинади ва кенг доирадаги одамлар учун очиқдир.



Шуни таъкидлаш жоизки, Германия электрон ҳуқуқий ресурслардан фойдаланган ҳолда, биринчи навбатда, одил судловни бутун аҳоли ва ҳар бир инсон учун очиқ қилишни мақсад қилиб қўйган. Масалан, судларнинг ва бошқа юридик ташкилотларнинг веб-сайтларида тақдим этилган маълумотлар аҳоли учун қонуний ва кўпинча тушунарли атамалар билан тўла бўлган мураккаб «ҳуқуқий» тилда эмас, балки аҳолига тушунарли бўлган оддий тилда тақдим этилади. Ушбу ёндашув, шубҳасиз, ташқаридан ҳуқуқий ёрдамни жалб қилмасдан аҳолига ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тўлиқ амалга оширишга имкон беради. Бундан ташқари, сайтларда ногиронлар учун махсус маълумотлар мавжуд, улар учун маълумот имо-ишоралар орқали амалга ошириладиган видео материалларда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 30 августда қабул қилинган “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сонли қарор асосида судлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш билан боғлиқ масалаларда кўплаб ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан:**

- судларга масофадан туриб мурожаат қилиш имконияти яратилди;
- видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиш орқали суд мажлисида иштирок этиш мумкинлиги белгиланди;
- судлар томонидан кўриладиган ишларни судьялар ўртасида автоматик тақсимлаш тизими жорий этилди;
- суд якуний хулосаларини Интернет тармоғида омма эътиборига ҳавола этиш ҳамда ижро ҳужжатларини ахборот-технология воситаларидан фойдаланиб, электрон шаклда юбориш имконияти яратилди.

Ушбу ўзгаришларнинг ижобий натижасини мустаҳкамлаш, судлов фаолиятини янада такомиллаштириш ва унга замонавий ахборот-коммуникация воситаларини кенг жорий этиш мақсадида 2020 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда судда ишларни кўриб чиқиш жараёнида вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви асосан қоғоз шаклида амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Ўз-ўзидан бундай тартибнинг амалда бўлиши кўрилаётган иш бўйича якуний қарор чиқариш учун кўпроқ муддат талаб этиб, судлар томонидан низоли вазиятларни тезроқ ҳал этиш ҳамда суд томони-

дан кўриб чиқиладиган ишлар ҳажмининг кўпайиб кетишининг олдини олишга тўсқинлик қилмоқда. Бундан ташқари, мазкур қарор асосида судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш ҳам назарда тутилди.

Юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ушбу ҳужжат билан судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари белгиланди. Хусусан, фуқаролар ва тадбиркорларга кенг имконият ва эркинлик яратиш учун уларга кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турлари кенгайтирилади, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб бориш таъминланади, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имконияти жорий этилади, шу билан бир қаторда судьялар ҳамжамияти фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида махсус ахборот дастурлари жорий этилади. Қарорда тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш ҳам белгиланган бўлиб, бу фуқароларнинг вақтини тежаб, қўшимча қулайлик яратишга хизмат қилиши кутилмоқда.

Судлов тизимини рақамлаштириш фаолияти ва тажрибасини кўриб чиққан давлатлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали суд билан боғлиқ ишларини амалга оширишда фуқароларга кўплаб имкониятлар яратилганини кўришимиз мумкин. Айниқса, бундай воситалардан фойдаланишда фуқароларнинг қийинчиликка ҳамда улар учун тушуниш қийин бўлган вазиятлар юзага келмаслиги учун ижобий чоралар кўрилган. Судга манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб турли ёшдаги ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаси турлича бўлган фуқаролар мурожаат қилиши табиий. Технология судлар фаолиятига жалб этилса-ю, лекин фуқаро ундан самарали фойдалана олмаса, ислоҳотдан кўзланган мақсадга етиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам электрон суд дастурларидан фойдаланиш бўйича кичик ҳажмдаги йўриқномалар, брошюралар тайёрлаш ва уларни суд биносига келган фуқарога бепул тарқатиш, фуқароларнинг рақамлашаётган судлов фаолиятида муҳим иштирокини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшган бўлар эди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Interights Bulletin, Volume 12 No. 3 Page 1.
2. Proposed amendment to the federal rules of appellate procedure // Официальный сайт судебной системы США. URL: [http://www.uscourts.gov/Viewer.aspx?doc=/uscourts/RulesAndPolicies/rules/AP\\_25.pdf](http://www.uscourts.gov/Viewer.aspx?doc=/uscourts/RulesAndPolicies/rules/AP_25.pdf)
3. Proposed amendment to the federal rules of appellate procedure // Официальный сайт судебной системы США. URL: [http://www.uscourts.gov/Viewer.aspx?doc=/uscourts/RulesAndPolicies/rules/AP\\_25.pdf](http://www.uscourts.gov/Viewer.aspx?doc=/uscourts/RulesAndPolicies/rules/AP_25.pdf)
4. Elektronisches gericht- und verwaltungspostfach // Официальный сайт EGVP. URL: [http://www.egvp.de/beh\\_allgemeine\\_info/index.php](http://www.egvp.de/beh_allgemeine_info/index.php)

# ОДИЛ СУДЛОВДА ОШКОРАЛИК ПРИНЦИПИ

**Судларда ишларнинг ошкора кўрилиши Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида ҳамма судларда ишлар очик кўрилиши, ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилиши белгиланган.**

Кенг жамоатчиликнинг жиноят содир этган шахс, жиноятга олиб келган сабаблар, шунингдек, суд томонидан тайинланган жазо ҳақида хабардор бўлиши суд ишларининг тарбиявий аҳамиятини оширади. Бундан ташқари, фуқароларга нисбатан суднинг адолатли қарор чиқарилишини таъминлайди. Бош қомусимизнинг мазкур моддасида ўз аксини топган қонун билан белгиланган ҳолларда суднинг ёпиқ тарзда ўтказилиши давлат сирларининг сақланиши ҳамда жинсий дахлсизлик билан боғлиқ жиноятлар ҳақидаги ишлар кўриб чиқилишига тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 11-моддасида ишларнинг ошкора кўриб чиқилиши белгиланган бўлиб, унга кўра, “Иқтисодий судларда ишлар муҳокамаси ошкора ўтказилади. Давлат сирини, тижорат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ суд мажлисида эшитишга йўл қўйилади. Ишни ёпиқ суд мажлисида видеоконференцалоқа режимида эшитишга йўл қўйилмайди, бундай мажлиснинг аудио ва видеоёзувлари амалга оширилмайди. Эшитиш ёпиқ суд мажлисида ўтказилган тақдирда ишни электрон шаклда шакллантиришга йўл қўйилмайди. Ишни ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Суднинг ҳал қилув қарори барча ҳолларда ошкора ўқиб эшитирилади”<sup>1</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига кўра, “Судда ишларнинг ошкора кўрилиши деганда, шундай суд процесси назарда тутиладики, унда ишларни муҳокама қилишда суд залига келишни истаган фуқаролар киришлари, процесснинг бориши ва натижалари матбуотда эркин эълон қилиниши, радиода эшитириши ёки бошқа воситалар ёрдамида кенг оммага етказилиши мумкин”<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг барча судларида давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек, жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, бошқа жиноят ишлари ошкора кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги 1993 йил 7 майдаги Қонунига кўра, давлат томонидан кўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирини ҳисобланади”<sup>3</sup>.



**Хабибулло МАДАТОВ,**  
Тошкент шаҳар  
иқтисодий суди  
деванхона мудир

Давлат сирини сақлаш бўйича масъулият давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади. Давлат сирини ошкор қилиш, давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш жавобгарликни келтириб чиқаради. Жинсий жиноятлар деганда жинсий эркинлик ва дахлсизликка қаратилган жиноятлар тушунилади.

Суд ишларини ошкора кўриш принципи суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеога, киного олишга фақат суд мажлисига раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилишини ҳам назарда тутди. Бу бўйича суд ажрим чиқаради. Суднинг чиқарган ажрими, ҳал қилув қарори, қарори ва ҳукмлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади. Агар суд мажлиси ёпиқ тарзда ўтган бўлса, у ҳолда ушбу суд мажлисида иштирок этган иштирокчиларга эълон қилиниши керак.

Тошкент ва Тошкент туманлараро иқтисодий судлари томонидан ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш таҳлилини оладиган бўлсак, 2019 йилда 26 428 та иқтисодий иш кўрилган бўлса, шундан 9 061 та, яъни 34,3 фоиз иқтисодий ишлар сайёр суд мажлисида кўрилган. 2020 йилнинг 6 ойида эса 8 534 та иқтисодий иш кўрилган бўлса, шундан 1 403 та, яъни 16,4 фоиз иқтисодий ишлар сайёр суд мажлисида кўрилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, судлар фаолиятида ошкораликни мустаҳкамлаш учун давлат аҳамиятига ҳамда фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати таъсир қилмайдиган суд мажлисларига оммавий ахборот воситаларини кенгроқ жалб қилиш ҳамда сайёр судларни корхона, муассаса ва ташкилотларда кўпроқ ташкил қилиши бу борадаги ишларнинг янада самарали бўлишига хизмат қилган бўларди.

Бу эса судларда ишларни ошкора кўриб чиқилишини таъминлашга ҳамда ўша ҳудуддаги фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, энг муҳими судларга ишончини ошириш борасидаги фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш ҳамда қонунбузарликка нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш вазифасини таъсирчанроқ ва кенгроқ ҳал қилишга имкон беради.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. 24.01.2018 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 22.09.1994 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонуни. 7 май 1993 йил.





**Изратулло ТОЛИБОВ,**  
юридик фанлар номзоди

## НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

*Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислоҳотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли беқийс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.<sup>1</sup>*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг  
Олий Мажлисга Мурожаатномасидан**

Бугунги кундаги демократик ислоҳотлар жараёнида фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим роль ўйнаб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан жамоатчилик ўртасида ўзига хос мулоқот майдони вазифасини ўтамоқда. Давр талаби нуқтаи назаридан мазкур ташкилотларнинг фаолияти батафсил таҳлил этилиши ҳамда унинг ҳуқуқий мақомини янада такомиллаштириш зарурияти вужудга келди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга, яъни қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ.”<sup>2</sup>

Мамлакатимиздаги турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил), Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995 йил), “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги (1991 йил), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (1999 йил), “Жамоат фондлари тўғрисида”ги (2003 йил), “Нодавлат нотижорат ташкилотларининг кафолатлари тўғрисида”ги (2007 йил) ва бошқа Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгилаган қонуннинг қабул қилинганига 21 йил (1999 йил) бўлди. Бундан 21 йил олдинги мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан бугунги кундаги жамият, ижтимоий муносабатлар мутлақо фарқ қилади. Қолаверса, ўша даврдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти билан бугунги кундаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўртасида ҳам кескин фарқ қиладиган жиҳатлар бор. Яъни, кўп бўғинли нодавлат нотижорат ташкилотлари

ва улардаги таркибий бўлинмаларнинг ҳуқуқий мақоми ҳозирги амалда бўлган қонунларда етарли тарзда мустаҳкамлаб қўйилмаган. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасида қуйидагича белгиланган: “Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.”<sup>3</sup>

Нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс мақомига эга бўлиб, у юридик шахс сифатида мулкка эгаллик қилиш, мулкдан фойдаланиш, ушбу мулк билан мажбуриятлари бўйича жавоб бериш, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиш ва улардан амалда фойдаланиш, ўз зиммасига масъулият юклаш, судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз навбатида муайян мажбуриятларга ҳам эга бўлиб, улар жумласига қонун ҳужжатларига риоя этиш; ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш; нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказётган тadbирларга эркин кириш имкониятини бериш; рўйхатдан ўтказувчи солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши шартлиги киради.

Ҳозирги кун амалиётида нодавлат нотижорат ташкилотларининг мол-мулкни вужудга келтириш ва мол-мулкдан уставда назарда тутилган хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ, шунингдек мол-мулкнинг тўғри шакллантирилиши ва мол-мулкдан



фойдаланиш жараёнида амалга оширадиган бошқарувга оид хатти-ҳаракатлари ҳуқуқий жиҳатдан етарли тарзда тартибга солинмаган. Чунки, кейинги тўрт йил мабайнида, яъни Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида янги жамиятнинг ўзи нодавлат нотижорат ташкилотлари олдига мутлақо янгича вазифаларни қўймоқда. Айниқса давлатимиз раҳбари томонидан “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган стратегик ғоя ўртага ташланди. Бу ўта муҳим жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шубҳасиз, бунинг учун биринчи навбатда уларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз тарихида биринчи марта нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятдаги ўрни ва роли, мақомини оширишга, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида бир нечта янги тузилмалар, жумладан, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ташкил этилди.

Сўнгги йилларда қабул қилинган фармон ва қарорларда илмий-эксперт гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан ташаббус кўрсатиш, бу борадаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш лозимлиги алоҳида белгиланмоқда.

**Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш масаласида қуйидаги жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратилиши лозим деб ҳисоблаймиз:**

- нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришида уларнинг ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишлари учун қулай шароитлар яратиш масалалари юзасидан нормалар ишлаб чиқишга;

- бугунги кунда кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида муҳокама қилиш, агар асосли бўлса, уларнинг таклифлари иноватга олиниши шартлиги тўғрисидаги янги тартибларни қонунларга киритишга;

- нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти тартибини белгилловчи қонунчилик нормаларидаги ортиқча бюрократик талаблар ва зовларни чиқариб ташлаш тўғрисидаги меъёрларни ишлаб чиқишга;

- қонунчиликка нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини амалга ошириш ва бунда уларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий қоидаларни кўпроқ сингдиришга;

- нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштиришга ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият қаратилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш орқали уларнинг фаолияти кўламини кенгайтиришга, жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини оширишга эришишимиз лозим.

Пировард натижада мазкур ташкилотларнинг самарали фаолияти эвазига янги жамият, ҳар томонлама юксак ривожланган давлатни барпо этиш сингари юксак мақсадни кўзлаб шу йўлда олдинга одимлаётган халқимизнинг тафаккурида, дунёқарашида ўзгаришлар рўй беради.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, [prezident.uz](http://prezident.uz), нутқлар бўлими., 2017 йил 22 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, [prezident.uz](http://prezident.uz), нутқлар бўлими., 2020 йил 24 январь.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон.





**Нурилло ИМОМОВ,**

ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси  
мудир, юридик фанлар доктори,  
профессор

# КРЕДИТОР МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА АСТРЕНТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

## АННОТАЦИЯ

Мақолада кредитор манфаатларини таъминлашда суднинг кучга кирган ҳал қилув қарорини бажаришни кечиктирганлик учун жавобгардан даъвогар фойдасига ундириладиган жарима (астрент)нинг моҳияти, уни қўллашнинг бугунги кунда амалда бўлган маъмурий жаримадан фарқи ҳамда астрент институтининг моҳияти бир қатор хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили асосида очиқ берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида суд қарорларини ижро этиш жараёнида кредитор манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини қўллаш бўйича мавжуд имкониятлар ҳақида фикр юритилиб, ушбу соҳага оид аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** астрент, кредитор, қарздор, даъвогар, жавобгар, суд қарори, жарима, пеня, мажбурият, шартнома, жавобгарлик.

## АННОТАЦИЯ

В статье на основе анализа законодательства ряда зарубежных стран раскрывается сущность штрафа (астрента), который накладывается на ответчика в пользу истца за просрочку исполнения судебного решения в интересах кредитора, его отличие от применяемого на сегодняшний день текущего административного штрафа, а также сущность института астрента. Кроме того, были проанализированы работы ученых по данному вопросу, рассмотрены существующие возможности применения правовых механизмов обеспечения интересов кредиторов в процессе исполнения судебных решений в Республике Узбекистан, разработаны конкретные предложения и рекомендации в указанной сфере.

**Ключевые слова:** астрент, кредитор, должник, истец, ответчик, судебное решение, штраф, пеня, обязательство, договор, ответственность.

## ANNOTATION

Based on the analysis of the legislation of a number of foreign countries, the article reveals the essence of the fine (astrent), which is imposed on the defendant in favor of the plaintiff for the delay in the execution of the court decision in the interests of the creditor, its difference from the current administrative fine applied today, as well as the essence of the institution of astrent. In addition, the work of scientists on this issue was analyzed, the existing possibilities of applying legal mechanisms to ensure the interests of creditors in the process of executing court decisions in the Republic of Uzbekistan were considered, specific proposals and recommendations were developed in this area.

**Keywords:** astrent, creditor, debtor, plaintiff, defendant, judgment, fine, penalty, obligation, contract, responsibility.



Бугунги кунда фуқаролик қонунчилигида кредиторларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда қарздорнинг зиммасидаги мажбуриятини тезроқ бажаришга ундайдиган таъминловчи чоралар тизими мавжуд бўлса-да, бу тизимга мансуб бўлган хорижий мамлакатларда амалда самарали қўлланиладиган ҳуқуқий механизмларни миллий ҳуқуқшуносликда қўллаш истиқболларини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай механизмлардан бири астрент институти ҳисобланади. "Astreinte" деганда, француз ҳуқуқи бўйича "қарздор зиммасига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун ўсиб бориши мумкин бўлган сезиларли жарима тўлаш хавф остида мажбуриятни бажаришга мажбурлаш мақсадида муайян суммадаги пулни тўлаш мажбуриятини юклаш тушунилади". Ушбу мажбурлов чораси зарарни қоплаш билан бир хил ҳисобланмайди ва зарарнинг мавжудлигини назарда тутмайди. Астрент жарима тусига эга ва суд томонидан "қарздор томонидан зиммасидаги мажбуриятни суд тайинлаган муддат мобайнида бажарилмаганида", уни "суднинг қарорига бўйсунуш"га мажбурлаш мақсадида белгиланади. Қарздорнинг суд ҳужжатларини ижро этиш учун мажбурлашга рағбатлантирувчи механизмлардан бири ҳисобланган астрента (astreinte) француз қонунчилигида моҳиятига кўра суд ҳужжатлари бажарилмаган ҳолларда неустойкани ундиришни ифода этади. Астрент XIX асрнинг охирида француз преторлик одил судлови томонидан яратилган. Прецедент ҳуқуқи томонидан ўрнатилган принципларга кўра, астрент жарима санкция сифатида кўрилади [11].

Астрент институти шуниси билан эътиборлики, турли мамлакатларда бу институт турли ҳуқуқий табиатга эга. Хусусан, астрентнинг икки: француз (хусусий ҳуқуқ) ва немис (оммавий-ҳуқуқий) модели амал қилади. Астрентнинг француз моделида ундирувни хусусий шахс фойдасига, немис моделида эса давлат фойдасига амалга оширилади. Хусусан, астрент институти дастлаб Францияда вужудга келган ва айнан француз доктринасида унинг ҳуқуқий табиати борасида фаол муҳокамалар бўлиб ўтган ҳамда ушбу масала бўйича ягона нуқтаи назар шаклланимаган. Астрент борасида қуйидаги фикрлар билдирилган: 1) пул ундируви хавфи; 2) мажбурият бажарилмаганлиги сабабли хусусий

ҳуқуқий тусдаги жазо; 3) етказилган зарар учун компенсация (зиёнларни қоплаш); 4) таъминловчи чора; 5) мажбурият бажарилмаганлиги учун оммавий-ҳуқуқий тусдаги жазо; 6) суд қарорини бажармаганлик учун жазо (жавобгарлик чораси) сифатида қўлланиладиган зарарлар [2].

#### **Л.Ж. Морандьер астрентнинг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатади [8]:**

- қарздорни ижрога мажбурлаш мақсадида амалга ошириладиган билвосита мажбурлашни ифодалайди;

- тўланадиган умумий сумма ноаниқ бўлади, чунки "қарздорнинг қаршилиги" қанча давом этиши номаълумдир;

- вақтинчалик тус касб этади, чунки суд мазкур ундирув миқдорини тартибга солиши ёки уни умуман бекор қилиши мумкин.

"Astreintes" тўғрисидаги қоидалар француз судлари амалиётида нафақат мулкий тусдаги мажбуриятларга, балки оила ҳуқуқига тааллуқли мажбуриятлари (болани суднинг ажрашиш тўғрисидаги қарори фойдасига чиқарилган хотин (эр)га бериш мажбурияти) билан боғлиқ ҳолатга нисбатан ҳам қўлланилади.

К. Цвайгерт ва Х. Кетцларнинг қайд этишича, астрент француз судлари томонидан бурчни натура ҳолида бажаришга мажбурлаш тўғрисидаги суднинг қарорини мажбурий ижро қилишни ҳуқуқий тартибга солиш тизимидаги мавжуд бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида ишлаб чиқилган [7]. Суд қарорлари бажарилмаган муайян вақт даври учун судга пеня турини (вақтинчалик ёки қайд этиб бориладиган) белгилаш ваколати берилган.

Француз суд амалиёти агар кредитор ўзининг фойдасига чиқарилган суд қарорининг ижросига ундовчи бошқа самарали воситага эга бўлмаса, (қонунда суд қарорларини мажбурий ижро этиш механизми мавжуд бўлмаса) пул мажбуриятлари бўйича астрентни ўрнатиш имкониятлари ҳам эътироф этилган. Франциянинг 1972 йилдаги Гражданлик процессуал кодексининг 491-моддасида белгиланишича, суд томонидан тайинланган астрент муайян вақт ўтиши билан бекор қилиниши мумкин ва астрентнинг миқдорини белгилаш суднинг ваколатига киради [9].



**Франция Гражданлик ижро ишини юриш кодексиди (Code des procedures civiles d'exécution) астрент тўғрисида қуйидаги асосий қоидалар мустаҳкамланган:**

- агар ишнинг ҳолатида қарор ижросини таъминлаш зарурати кўришиб турса, суд ўз ташаббуси бўйича астрентни юклашга ҳақли. Бундан ташқари, заруратга қараб суд бошқа суднинг қарорини бажаришни таъминлаш учун астрентни белгилаш ваколатига эга (L131-1-модда);

- астрент зарарлар миқдорига боғлиқ бўлмайди (L131-2-модда);

- астрентнинг икки тури: вақтинчалик ва доимий назарда тутилган. Сукут бўйича астрент, агар суд тўғридан-тўғри унинг доимийлигини белгиламаган бўлса вақтинчалик ҳисобланади (L131-2-модда). Доимий астрент суд томонидан белгиланган қарор ижроси учун муддат ўтиши бўйича вақтинчалик астрентдан кейин белгиланиши мумкин. Вақтинчалик астрентнинг миқдори жавобгар хулқ-атворини ҳисобга олиб камайтирилиши мумкин, айна пайтда доимий астрентнинг миқдори ўзгартилмайди, бироқ уни қўллаш зарурати барҳам топганидан сўнг у тўлиқ бекор қилиниши мумкин. Вақтинчалик ҳамда доимий астрент агар суд қарори ижросининг кечикиши (тўлиқ ёки қисман) ташқи сабабларга кўра содир этилаётган бўлса, тўлиқ ёки қисман бекор қилиниши мумкин.

Франция ҳуқуқ тизимида ва кейинчалик бошқа Европа юрисдикцияларида “l’astreinte” институти пайдо бўлиши пайтидан бошлаб, ушбу институтнинг ҳуқуқий квалификацияси қонун чиқарувчилар, ҳуқуқни қўлловчилар ва юридик ҳамжамиятнинг бошқа вакиллари ўртасидаги баҳс-мунозараларининг предмети бўлиб келади.

Ўз-ўзидан равшанки, фуқаролик муомаласи иштирокчисининг процессуал оппонентнинг фой-

дасига чиқарилган суд ҳужжатини ижро этишдан бош тортиши муаммоси янгилик саналмайди. Ҳуқуқий тартиботлар томонидан бепарво қарздорларнинг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришга мажбурлаш мақсадида турли механизмлар қўлланилади. Ушбу муаммони ечишнинг машҳур вариантларидан бири қарздорга суднинг талабларига бўйсунмаганлик учун давлат фойдасига жарима тўлаш шаклидаги салбий оқибатларни юклаш ҳисобланади. Германия қонунчилигида айнан шу йўл танланган. Хусусан, Германия Гражданлик процессуал кодексининг 888-моддасида агар учинчи шахс томонидан муайян ҳаракатларни амалга ошириш мумкин бўлмаса ва тўлиқ қарздорнинг хоҳишидан келиб чиқса, даъвогарнинг жавобгарни мажбуриятни ижро қилишга мажбур қилишга оид тегишли аризаси бўлганда, жавобгарга нисбатан 25 000 евро миқдоригача суд жаримаси юклатилиши назарда тутилган. Бунда ушбу қоида тараф томонидан шартномада назарда тутилган хизмат кўрсатиш мажбуриятларида қўлланилмайди. Қолаверса, бундай санкциялар суд томонидан юклатилган муайян ҳаракатдан тийилиб туриш мажбурияти бузилган ҳолларда ҳам қўлланилади. Мазкур иккала ҳолат ўртасидаги фарқ жарима шаклидаги пул суммасининг максимал чегараси – 250 000 евро ва суд хоҳишига кўра суднинг қарориди ифодаланган ҳар бир ҳужжатга бўйсунмаганлик пул суммаси ундириш тўғрисидаги огоҳлантириш тизими мавжудлигида намоён бўлади [1]. Шубҳасиз жавобгарнинг суд томонидан юклатилган муайян ҳаракатни амалга ошириш ёки муайян ҳаракатни бажаришдан тийилиш мажбуриятини жавобгар томонидан ижро этишнинг рад этилганлиги учун тайинланадиган суд жарималарининг немис модели ўзининг мантиқий якунига етказилган, яъни тегишли пул суммаси бюджетга ундирилади ҳамда бу қоида қитъа ҳуқуқи тизими мамлакатлари ҳуқуқий тартиботига мос келади. Бошқача айтганда, немис модели суд қарорларининг ижро этилмаслиги вазифасини оммавий суд жаримасини тайинлаш йўли билан ҳал этиш йўлини таклиф этади. Албатта, мазкур ёндашувдан ҳосил бўладиган дастлабки тасаввур – суд қарорларини ижро этилмаслиги муаммосининг мазкур ечими мантиқий ва узвий кўринишидир.

Бироқ, француз суд амалиёти дунё юридик ҳамжамиятига бу масаланинг муқобил ечимини, яъни суднинг мажбуриятни натура ҳолида бажариш тўғрисидаги қарорини ихтиёрий амалга оширишни истамаган жавобгарга кредитор фойдасига пул суммасини ундиришни таклиф этди. “L’astreinte” конструкциясининг асосида оммавий тартибни бузувчиға қарши кураш, шахснинг давлат олдидаги жавобгарлиги гоёси ётади. Шу нуқтаи назардан астрент шахснинг давлат олдидаги жавобгарлиги чораси саналади. Шу муносабат билан бу вазият-



да, ҳақли савол туғилади: нима учун ушбу пул маблаглари бўйича француз моделида наф олувчи бўлиб давлат эмас, балки кредитор ҳисобланади?

Дарҳақиқат, француз суд амалиёти муайян сабабларга таяниб, ўз табиатига кўра оммавий-ҳуқуқий жаримани давлат фойдасига эмас, кредитор фойдасига ундириш йўлини танлаган. Шу билан суд ҳужжатларини амалга оширишнинг билвосита кафолати, бошқача айтганда, суд томонидан тасдиқланган қарздорнинг мажбуриятини ижро этиш кафолати шаклидаги кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги усули яратилган. Кредитор фойдасига пул суммасини ундириш факти ушбу таъсир чорасининг фуқаролик-ҳуқуқий тусини ифода этади [14].

Европа Шартнома ҳуқуқи кодексининг (European Contract Code) [3] 111-моддаси 3-бандига мувофиқ “мажбуриятни объектив имкониятдан келиб чиқиб натура ҳолида бажариш талаб этиладиган қарорга мувофиқ уни бажармаётган қарздорни муносиб хулқ-атворда бўлишга мажбурлаш мақсадида, суд қарорни ижро этмаётган ёки уни кечиктириб ижро этаётган қарздорга лозим даражада ижронинг қийматидан уч баравар кўп бўлмаган миқдорда жарима қўллашга ҳақли. Бу сумма кредитор ва давлат ўртасида тегишлича 70%, 30% га тақсимланади. Ушбу жарима ижро қиймати суммасининг қатъий ставкасида ёхуд суд томонидан белгиланган қатъий суммада ёки кечиктиришнинг ҳар бир куни учун ундираладиган суммада ҳисобланиши мумкин ва юқорида келтирилган тартибда тақсимланади”.

Астрент қоидалари “Халқаро тижорат шартномалари принциплари (УНИДРУА принциплари)” да [10] куйидагича белгиланган: агар суд тарафлардан бирига ижрони амалга ошириш мажбуриятини юкласа, у қарор ижро этилмаган ҳоллар учун тегишли жаримани тўлашни ҳам белгилаши мумкин. Жарима жабрланувчи томонга агар суд жойлашган давлат ҳуқуқининг императив нормаларида бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса ундирилади. Жаримани жабрланувчи фойдасига ундириш, зарарларни қоплаш тўғрисидаги талабларни инкор этмайди”. Шу жиҳатдан астрент концепциянинг кўриб чиқилаётган вариантлари ва уни қўллашга оид қарашлардан астрентнинг куйидаги асосий белгиларини ажратиб олиш мумкин:

- ўзида пул ундирувини ифода этади;

- билвосита мажбурлаш чораси – жавобгарнинг суд ҳужжати талабини мустақил ижро этишга ундашга йўналтирилган ҳуқуқий восита ҳисобланади;

- суд томонидан тайинланади ва миқдори белгиланади;

- бир тараф (қарздор)нинг хулқ-атворини суднинг қарорига мослаштиришга ундаш мақсадини кўзлайди;



- зарарларни қоплаш билан боғлиқ эмас ва зиён мавжудлигини назарда тутмайди (астрентнинг тўланиши зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни тақдим этишни инкор этмайди);

- вақтинчалик тус касб этади (астрент уни қўллаш зарурати барҳам топгунига қадар амал қилади);

- умумий қоидага кўра, астрентнинг суммаси кредиторга тўланиши лозим.

Умумий кўринишда, астрент суд ҳужжатларини бажаришга ундаш инструменти сифатида куйидаги шаклда изоҳланади: суд жавобгарга муайян ҳаракатларни қилиш (муайян ҳаракатдан тийилиш) мажбуриятини юклайди, кечиктиришнинг ҳар бир куни (ёки бошқа вақт даври учун) жавобгар тўлаши лозим бўлган суммани кўрсатади [6].

Астрентни тавсифлайдиган жиҳатлар шунда намён бўладик, астрент “суд қарорларини ижро этилмаган ҳар бир кун (ёки муайян вақт даври) учун ҳисобланиши, суд томонидан жавобгарнинг молиявий имконияти ҳисобга олиниб белгиланиши, давлат даромадига эмас, даъвогар фойдасига ундирилиши сабабли пеня тусига эга бўлади”.

Астрентга ўхшаш қоидалар Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 308.3-моддасига мувофиқ кредитор агар қарздор зиммасидаги мажбуриятни бажармаса (агар ушбу Кодексда бошқа қонунлар, бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса ёки шартнома ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан бошқа маъно англашилмаса), суддан мажбуриятни натура ҳолда ижро этилишини талаб қилишга ҳақли.

Суд кредиторнинг талаби бўйича тегишли суд ҳужжатлари бажарилмаганда, унинг фойдасига қарздордан суд томонидан адолат, мутаносиблик ва ноқонуний ёки ноинсоф хулқ-атвордан фойда олишга йўл қўймаслик принциплари асосида аниқландиган пул суммасини ундиришга ҳақлидир. Кредитор томонидан ўз ҳуқуқларини юқорида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ ҳимоя қилиниши қарздорни мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, астрент билан неустойкани боғлаш бир қадар ноўриндир, чунки



фуқаролик қонунчилигида неустойка мажбурият бажарилишини таъминлаш усули сифатида белгиланган ва астрентнинг ҳуқуқий табиатидан фарқ қилувчи бошқа ҳуқуқий институтни ифода этади, ўз навбатида неустойкага оид қоидалар билан астрентни тартибга солиб бўлмайди [4].

Қоидага кўра контрагентлар шартномада неустойка тўғрисидаги шартни мустақил шакллантиришга ҳақли ҳисобланадилар. Астрент эса суд томонидан тайинланади ҳамда уни тўлаш тартиби ва миқдори белгиланади. Бундан ташқари, астрент суд қарорларини ижро этишга ундаш шакли сифатида хусусий манфаатни ҳимоя қилиш билан бирга оммавий-ҳуқуқий таъсир чораси хусусиятига ҳам эга ҳисобланади. Астрентни ундириш шартнома ёки деликтдан вужудга келадиган мажбурият эмас, балки айнан суднинг оммавий-ҳуқуқий ҳужжатини ижро этмаслик оқибатида содир бўлади. Бундай қоидалар РФ Арбитраж процессуал кодексининг 174-моддаси 4-қисмида ҳам назарда тутилган. Ушбу нормага мувофиқ, арбитраж суди даъвогарнинг талаби бўйича унинг фойдасига жавобгар суд ҳужжатини ижро этмаганлиги ҳолати учун ундириладиган пул суммасини белгилашга ҳақли. Пул суммасининг миқдорини белгилашда суд адолат, мутаносиблик ва ноқонуний ёки ноинсоф ҳулқ-атвордан фойда олишга йўл қўймаслик принципларига таянади. Шундай қоидалар РФ Гражданлик процессуал кодексининг 206-моддаси 3-қисмида ҳам мустаҳкамланганлигини кўриш мумкин.

Кўриниб турибдики, астрентнинг Россияда тартибга солиниши моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари уйғунлигида амалга оширилади. Суд неустойкасини қўллаш қарздорнинг мажбуриятини натура ҳолида бажаришга мажбурлаш тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий низолар билан чекланмайди, арбитраж ва гражданлик процессуал кодексларининг тегишли моддалари қўлланиладиган бошқа категориядаги ишларни ҳам қамраб олади.

Астрент ва зарарлар турли ҳуқуқий институтлар саналади. Суд неустойкасини ундирувчи-

нинг ижро бўйича кутишларини силлиқлаштирилади, жавобгарни эса қарорни бажармагандан кўра, бажариш фойдалироқ бўладиган вазиятга туширади [5]. Астрент агар асосий мақсад сифатида компенсаторлик функциясини бажарса ва даъвогарнинг йўқотишларини қоплашга йўналтирилган бўлса, кредиторнинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида мантқан мос келади. Бироқ, адабиётларда “l’astreinte” мақсади суд ҳужжатини бажармаслик оқибатида кредиторга етказилган зарарларни қоплаш эмас, “l’astreinte” мақсади – қарздорга босим ўтказиш, уни лозим даражада ва ўз вақтида зиммасига юкланган мажбуриятни бажаришга мажбурлаш ҳисобланиши қайд этилади [13].

Таъкидлаш жоизки, француз ҳуқуқни қўлловчилари XX аср ўрталарида кўриб чиқиладиган институтни зарар ва зиёнга оид нормаларга тааллуқлилиги гоёсидан тўлиқ воз кечишган. Бу нуқтаи назар Франция Кассация судининг 1959 йил 20 октябрдаги жисмоний шахс – ер участкаси мулкдорининг қўшни ер участкаси мулкдори бўлган энергия компаниясига нисбатан даъвоси бўйича қарорида яққол ифодаланади. Талаб юридик шахсни муайян қурилиш ишларини амалга оширишга мажбурлашга қаратилган эди. Суд даъвони қаноатлантириш билан бирга, “l’astreinte”ни тўлаш тўғрисида қарор чиқаради. Ушбу қарор устидан шикоят қилган жавобгар даъвогар етказилган ҳақиқий зарардан тўланиши лозим бўлган пул суммаси жуда кўп эканлигига таянади. Суд мазкур далилга эътироз билдириб, “l’astreinte” зарарни қоплаш билан умумийликка эга эмаслиги, мажбурлаш чораси эканлиги, қарздорни суд қарорини ижро этишга мажбурлаш имконини берадиган восита эканлигини билдиради. Астрентнинг зарар ва зиёнлар тизимида боғлиқлиги масаласи тўғрисидаги якуний нуқта 1972 йил 5 июлдаги №72-626 Қонуний доирасида қўйилган бўлиб, бунда “l’astreinte” механизми кредиторга етказилган зарар миқдорига боғлиқ бўлмаган мустақил институт сифатида ажратилади. Л. Жюллио де ла Морандьер ҳам “l’astreinte” шаклидаги мажбурлаш чораси етказилган зарарни қоплаш институти каби кредитор кўрган зарарларни қоплашга қаратилмаган, қолаверса кредиторга тўланиши лозим бўлган пул суммаси у кўрган ҳақиқий зарар миқдоридан сезиларли даражада ошиб кетиши мумкинлигига [8] эътибор қаратади.

Қайд этиш зарурки, астрент тўғрисидаги қоидаларни Ўзбекистон қонунчилигида трансформация қилиш фойдали чора бўлиши мумкин, чунки суд ҳужжатларини ижро этмаслик муаммосини ҳал қилиш зарурати одил судлов тизимида муҳим аҳамиятга эга. Албатта, бундай трансформация ушбу концепциянинг мавжуд ҳуқуқий тизими билан тўқнашувни юзага келтириши мумкинки, бу ҳолат қонунчиликдаги



айрим қарама-қаршиликларни бартараф этишни тақозо этади. Астрентни миллий қонунчиликка жорий этишда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш талаб этилади:

- астрент тушунчасини белгилаш. Астрент деганда, суд томонидан жавобгар (қарздор) зиммасига кечиктиришнинг ҳар бир куни учун суд томонидан белгиланган суммада суд ҳужжатларини ижро этишга ундаш мақсадига юклатиладиган, зарарларни қоплаш билан боғлиқ бўлмаган ва даъвогар (кредитор) фойдасига ундириладиган пул тўлови тушунилади. Астрентни ундиришнинг шундай моделини назарда тутиш мумкинки, бунда ундириладиган сумманинг бир қисми давлат бюджетига, бошқа қисми даъвогарга йўналтирилади. Шунингдек, астрентни икки турга: вақтинчалик ва доимийга ажратишнинг зарурати бор ёки йўқлиги масаласини ҳам ҳал қилиш лозим;

- астрентни суднинг ташаббуси бўйича юклаш, бунда суд ҳужжатини чиқариш жараёнида, шунингдек, уни ижро босқичида қўллаш имкониятини кўриб чиқиш керак;

- астрентни агар кредиторда ўз фойдасига чиқарилган суд қарорини қарздор ижро этишга мажбурлайдиган бошқа самарали чора бўлмаса ва бу бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатмаса, турли категориядаги ишларга қўлланилишини жорий этиш;

- суднинг астрентни тўлаш ҳақидаги қарори устидан, агар қарздор сумма ошириб юборилган деб ҳисобласа, шикоят қилиш ҳуқуқини белгилаш [12].

Амалиётда астрентни қўллаш билан боғлиқ бир қатор қийинчиликлар ва қутилмаган вазиятлар юзага келиши мумкин. Албатта, бу ўринда узрли сабаблар бўлганда астрентни тўлашдан озод қилиш, астрент миқдорини аниқлаш мезонларини ўрнатиш масалаларини ҳам кўриб чиқиш зарур бўлади. Бунинг учун эса астрентнинг ҳуқуқий табиати, астрентнинг моддий ёки процессуал ҳуқуқи институтини эканлигини аниқлаш зарур бўлади. Францияда астрент нормалари процессуал қонунчилигига киритилганлиги унинг оммавий-ҳуқуқий табиатини англатади, бироқ ундирув давлат фойдасига эмас, балки хусусий шахс фойдасига амалга оширилиши астрентни хусусий-ҳуқуқий институт эканлигини ифодалайди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига "Мажбурият бўйича кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" номли 235<sup>1</sup>-моддани киритиш ва уни қуйидаги мазмунда ифодалаш лозим:

*мажбурият қарздор томонидан бажарилмаган ҳолларда кредитор агар ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ўзгача ҳолат на-*

*зарда тутилган бўлмаса ёки шартнома ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан ўзга маъно англатилмаса, суд орқали мажбуриятни натура ҳолида бажаришни талаб қилишга ҳақли. Суд кредиторнинг талаби билан унинг фойдасига суд ҳужжати ижро этилмаган ҳолларда суд томонидан адолат, мутаносиблик ва ноқонуний ёки ноинсоф ҳулқ-атвордан фойда олишга йўл қўйилмаслик принциплари асосида аниқланадиган пул суммасини ундириш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.*

Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ кредиторнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши қарздорни мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди.

Шу билан бирга астрентга оид қоидаларни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессал ва Иқтисодий процессуал кодексларига киритиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш лозимки, бунда астрентни қўллаш процессуал таъсир чораси эканлиги, бироқ бу асосда ундирув давлат бюджетига эмас, даъвогар фойдасига амалга оширилиши қоидаларини назарда тутиш лозимдир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Code of Civil Procedure of January 30, 1877 as promulgated on 5 December 2005 // [Electronic resource]. URL: [http://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_zpo/englisch\\_zpo.html](http://www.gesetze-im-internet.de/englisch_zpo/englisch_zpo.html)
2. Ferrari F., Bocharova N. The astreinte in the Italian and Russian Administrative (Judicial) and Civil Proceedings // Russian Law Journal. 2015. № 3. P. 24.
3. Белов В.А. Кодекс европейского договорного права – European Contract Code: общий и сравнительно-правовой комментарий: в 2 кн. – М.: Юрайт, 2015. Кн. 1. – С. 105-118.
4. Витрянский В.В. Реформа российского гражданского законодательства: промежуточные итоги (переиздание) // СПС КонсультантПлюс.
5. Ерохова М.А. О судебной неустойке в российском праве: анализ практики 2015-2017 // Вестник экономического правосудия Российской Федерации. 2017. № 7. – С. 97–111.
6. Карапетов А.Г. Экономический анализ права. – М.: «Статут», 2016. – С. 407-408.
7. Кетц Х., Цвайгерт К. Введение в сравнительное правоведение в сфере частного права: Договор. Неосновательное обогащение. Деликт. В 2-х томах: Перевод с немецкого. Т. 2 / Кетц Х., Цвайгерт К. М.: Междунар. отношения, 1998. С. 205.
8. Морандьер Л. Ж. Гражданское право Франции. Перевод с французского. Т. 2. – М.: Иностр. лит., 1960. – С. 329.
9. Останина Е.А., Тараданов Р.А. Проблемы и перспективы рецепции института астрэнта (astreinte) российской правовой системой // Вестник Высшего Арбитражного Суда Российской Федерации. М.: Закон, 2013, № 6. – С. 118-129.
10. Принципы международных коммерческих договоров (Принципы УНИДРУА) (1994 год) // СПС КонсультантПлюс.
11. Резина Н.А., Иванова Л.В. Астрент: проблемы применения // Вестник Омской юридической академии. 2016. № 1 (30). – С. 21.
12. Хандеев И. Астрент в российском праве // [https://zakon.ru/blog/2019/3/15/astrent\\_v\\_rossijskom\\_prave](https://zakon.ru/blog/2019/3/15/astrent_v_rossijskom_prave)
13. Цвайгерт К., Кетц Х. Введение в сравнительное правоведение в сфере частного права. Т.2. – М.: Международные отношения, 2000. – С. 210.
14. Шамшина А. «L'astreinte» (астрент) как способ защиты прав кредитора. Часть I / [https://zakon.ru/blog/2019/9/23/lastreinte\\_astrent\\_kak\\_sposob\\_zaschity\\_prav\\_kreditora\\_chast\\_i](https://zakon.ru/blog/2019/9/23/lastreinte_astrent_kak_sposob_zaschity_prav_kreditora_chast_i)





**Элдор ҚУРБОНОВ,**  
Судьялар олий мактаби  
бош мутахассиси,  
мустақил изланувчи

# МДХ ДАВЛАТЛАРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР МЕЛИОРАЦИЯСИНING ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

**Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясининг ҳуқуқий тартибга солинишини МДХ давлатлари мисолида таҳлил қилиш ушбу давлатлар қонунчилигининг ўхшашлиги ва ҳудудий жиҳатдан бир-бирига яқинлиги нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.**

МДХ давлатлари қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси икки хил кўринишда яъни, тўғридан-тўғри махсус қонун билан (Россия<sup>1</sup>, Украина<sup>2</sup>, Беларусь<sup>3</sup>, Озарбайжон<sup>4</sup>, Туркменистон<sup>5</sup>) ва аксинча (Ўзбекистон, Тожикистон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова давлатларида) ер, сув, экология соҳасидаги қонунлар билан тартибга солинган.

Махсус қонунлар бўлмаган давлатларда ер мелиорацияси соҳасидаги муносабатлар тўлиқ ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган деб бўлмайди. Бу давлатлар қонунчилигида “ер мелиорацияси” тушунчасига аниқ ҳуқуқий таъриф берилмаган.

Алоҳида қонуни бўлган давлатлар қонунчилиги тузилиши жиҳатидан деярли бир-бирига яқин ҳолатда. Ушбу давлатлар қонуни асосан мелиорация тизимларига нисбатан мулкчилик, алоҳида жойлашган гидротехника иншоотларининг ҳуқуқий ҳолати, бу борада давлат бошқаруви, мелиорация тадбирларини молиялаштириш, ер мелиорациясини амалга оширишда экологик хавфсизликни таъминлаш каби масалаларни ҳуқуқий тартибга солиди.

Шунингдек, бундай давлатлар қонунларида “ер мелиорацияси” тушунчасига ҳуқуқий тушунтириш берилган ҳамда уларда бу тушунча мазмунан бир хил баён қилинган ва қонунларда “ер мелиорацияси”, “ирригация” ва “ерларни яхшилаш” каби атамалардан кенг фойдаланилган.

Озарбайжон Республикаси қонунчилигида “мелиорация” ва “ирригация” тушунчалари ўзаро фарқли тушунча сифатида баён қилинган. 1996 йил 5 июнда қабул қилинган “Мелиорация ҳамда ирригация тўғрисида”ги қонунда “мелиорация” ва “ирригация” тушунчалари бир-бирдан ажратилиб уларни ўзаро тенг бўлган икки тушунча сифатида келтирилади. Ваҳоланки, “мелиорация” ва “ирригация” тушунчалари ўзаро тенг икки тушунча эмас балки, “мелиорация” “ирригация”га нисбатан кенгроқ бўлиб, ўз ичига ирригацияни ҳам қамраб олади.

МДХ давлатлари қонунчилигида юқорида таъкидланганидек, ер мелиорацияси билан биргаликда “ерларни яхшилаш” тушунчаси ҳам қўлланилади. Лекин, МДХ давлатлари орасида фақат Украина қонунчилигида мазкур тушунча моҳияти очиб берилган. Украинанинг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ерни баҳолаш тўғрисида”ги қонунда “ерларни ях-

шилаш”га ер участкасида содир бўлган ўзгаришларни иқтисодий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда тушунтириш берилган<sup>6</sup>.

Ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш, мелиорацияланган ерларни давлат рўйхатига олиш ва улардан фойдаланишга доир муносабатларнинг Россия Федерациясида ҳуқуқий тартиби яратилган.

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, РФ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг жами майдони 381 673,0 минг гектарни, умумий ер фондининг 22,3 фоизини ташкил этади<sup>7</sup>. Бундай катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги ерларига эга бўлган Россия Федерациясида қишлоқ хўжалиги ер мелиорациясига доир муносабатлар Ер мелиорацияси, Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар унумдорлигини таъминлашни давлат томонидан тартибга солиш ҳамда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги қонунлари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Россия Федерациясида қишлоқ хўжалиги ерлари мелиорациясини ташкил қилишда мелиорацияланган ерларни рўйхатга олишга алоҳида эътибор қаратилади ва бу ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Қишлоқ хўжалигида мелиорацияланган ерларни рўйхатга олиш Россия Федерациясида бир вақтнинг ўзида бир нечта давлат органлари яъни, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат рўйхатига олиш, кадастр ва картография Федерал хизмати, Давлат статистика Федерал хизмати томонидан амалга оширилади. “Ер мелиорацияси тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасида мелиорацияланган ерларни рўйхатга олиш Россия Федерациясининг ваколатли федерал ижро ҳокимияти органлари ва Россия Федерацияси субъектлари ижро ҳокимияти органларининг асосий фаолияти сифатида кўрсатилган<sup>8</sup>.

Қишлоқ хўжалиги ер мелиорацияси соҳасида давлат бошқарувида ҳам МДХ давлатларидан Россия Федерацияси, Тожикистон каби давлатларда айнан мана шу фаолиятни бевосита амалга оширадиган махсус ваколатли давлат органлари фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади. Россия Федерациясининг Ер мелиорацияси ва қишлоқ хўжалиги сув таъминоти Департаменти, Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги мелиорация ва ирригация Агентлиги айнан ер мелиорацияси фаолияти соҳасида бошқарувни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органларидир.

Шунингдек, мелиорация тадбирларини олиб боришда белгиланган қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларига ҳам МДХ давлатлари қонунчилигида эътибор қаратилади. Россия, Беларусия, Молдова каби давлатларнинг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Кодексида бевосита мелиорация тадбирларини ўтказиш ва мелиорация лойиҳаларини бузганлик ҳолатлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар сифатида баҳоланади ва бунинг учун жавобгарлик чоралари белгиланган. Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Кодексининг 10.9. моддасида мелиорация ишларини бажариш лойиҳасини бузган ҳолда мелиоратив ишларни олиб борганлик<sup>9</sup> учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

МДХ давлатлари орасида мелиорацияга доир махсус қонунлари амалда бўлган давлатларда мелиорация тадбирларини амалга оширишда мелиорациянинг турларидан келиб чиқиб ёндашилади ва бу қонунларда мустаҳкамланган. Россия, Украина, Беларусия, Озарбайжон давлатлари қонунчилигида ер мелиорация турларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланган. Молдовада эса мелиорация турларини ҳам алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида мелиорация турлари бўйича ҳам махсус қонун қабул қилинган. Молдова Республикасининг 2000 йил 15 июндаги “Деградация ерларида ўрмон мелиорацияси тўғрисида”ги № 1041-XIV сон қонуни айнан ўрмон мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган.

Ер мелиорациясига доир махсус қонунлар мавжуд бўлмаган Тожикистон, Қозоғистон каби давлатларда эса мелиорация турларидан келиб чиқиб мелиорация тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмайди. Бу давлатларда асосан ер мелиорациясининг гидромелиорация турига устунлик берилади ва бунинг асосий сабабларидан бири эса бу давлатларда қишлоқ хўжалиги учун сувнинг аҳамияти жуда муҳим ўринга эгалиги ва сув тақчиллиги муаммоси борлиги билан изоҳлаш мумкин.

Беларусия Республикасининг “Ер мелиорацияси тўғрисида”ги қонунида маҳаллий кенгаш депутатларининг ҳам мелиорация борасидаги ваколатлари белгиланган. Бу албатта ижобий ҳолат бўлиб, ер мелиорация ишларини ташкил қилишда халқ вакилларининг вазифалари белгиланганлиги мелиорация ишлари самарадорлигини таъминлайди. Беларусия Республикасининг “Ер мелиорацияси тўғрисида”ги қонунида маҳаллий кенгаш депутатларининг ваколатлари сифатида ер мелиорацияси бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш, ер мелиорацияси бўйича давлат дастурларини амалга оширишда ва қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширишда иштирок этиши<sup>10</sup> белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, бундай тартибни бизнинг ҳудудий мелиоратив дастурларни шакллантиришда ҳам татбиқ қилиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларимизда ҳудудий мелио-

рация дастурларини шакллантиришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг иштироки назарда тутилмаган.

МДХ давлатлари тажрибасидан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизда ҳам ер мелиорацияси билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

*Биринчидан*, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига “Ерни мелиорация қилиш пайтидаги экологик талаблар” деб номланган 42<sup>1</sup>-модда киритилиб, унга кўра, мелиорация ишларини олиб бориш атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашишига олиб келмаслиги, табиий экологик тизимларнинг барқарор ишлашини бузмаслиги керак.

Мелиоратив тадбирларни амалга оширишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шу жумладан ерларни, тупроқни, сув ҳавзаларини, ўсимлик, ҳайвонларни ва бошқа организмларни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилиши керак” тарзида баён қилиш таклиф этилади.

Қонунчиликка бундай ўзгартириш киритилиши мелиорация тадбирларини амалга оширувчилар томонидан атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш қоидаларига қатъий амал қилишлари таъминланишига эришилади.

*Иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 17-банди иккинчи хатбошисини “Келгуси йил учун тумандаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишчи гуруҳ таклифлари халқ депутатлари туман Кенгашларида кўриб чиқилади” деб ўзгартириш ва шакллантирилаётган ҳудудий дастурларни халқ депутатлари туман Кенгашлари мажлисларида кўриб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш ҳудудий дастурларни шакллантиришнинг ҳар томонлама шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Россия Федерациясининг “Ер мелиорация тўғрисида”ги қонуни. 10.01.1996 йил. № 4-ФЗ
2. Украина Республикасининг “Ер мелиорация тўғрисида”ги қонуни. 16.10.2012 йил. № 5462-17
3. Беларусь Республикасининг “Ер мелиорацияси тўғрисида”ги Қонуни. 23.07.2008 йил. № 423-3
4. Озарбайжон Республикасининг “Мелиорация ва ирригация тўғрисида”ги қонуни. 30.09.1997. № 3.
5. Туркменистон Республикасининг “Ер мелиорацияси тўғрисида”ги қонуни. 20.10.2018 йил. № 76-VI
6. Закон Украины об оценке земель. Ведомости Верховной Рады (ВВР), 2004, N 15, ст.229.
7. Россия Федерациясида ерларни тоифалар бўйича тақсимлашни тўғрисида маълумотлар 01.01.2020. Давлат рўйхатида олиш, кадастр ва картография Федерал хизмати. <https://rosreestr.gov.ru>.
8. Россия Федерациясининг “Ер мелиорация тўғрисида”ги Қонуни. 10.01.1996 йил. № 4-ФЗ
9. Россия Федерациясининг “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги Кодекси. 30.12.2001. №195-ФЗ.
10. Беларусь Республикасининг “Ер мелиорацияси тўғрисида”-ги қонуни. 23.07.2008 йил. № 423-3





**Шерали ХАМИДОВ,**  
Навбахор туманлараро  
иқтисодий суди судьяси

## КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАР ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

***Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт. Ёзма шаклга риоя қилмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.***

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддасига асосан кредит шартномаси бўйича бир тараф банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит ташкилотлари бўлмаган тижорат ташкилотларининг кредитлашни амалга оширишига йўл қўйилган ҳолларда кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалар бундай тижорат ташкилотлари амалга оширадиган кредитлаш муносабатларига нисбатан қўлланади.

Қарз ва кредит шартномалари ўртасида умумийлик билан бирга жиддий фарқлар ҳам мавжуд. Биринчидан, кредит шартномаси бўйича кредитор сифатида фақат махсус субъектлар – банк ёки бошқа кредит ташкилоти қатнашади, иккинчидан кредит шартномаси бўйича қарз олувчи кредиторга фоизлар тўлайди, учинчидан кредит шартномаси фақат ёзма шаклда тузилади. Қарз шартномасида эса қарз суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан кам бўлса, оғзаки шаклда тузилиши мумкин, тўртинчидан кредит шартномаси реал эмас, балки консенсуал шартномалар гуруҳига киради. Шу сабабли шартнома тузилгандан кейин у тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтиради.

Кредитор қарз олувчини тўловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шунингдек, шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Қарз олувчи кредит олишдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи бу ҳақда кредиторни кредит шартномасида белгилаб қўйилган кредит бериш муддати га қадар хабардор қилиши шарт. Қарз олувчи кредит шартномасида назарда тутилган кредитдан аниқ

мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузган тақдирда кредитор шартнома бўйича қарз олувчини бундан буён кредитлашни тўхтатишга ҳақли.

Тарафлар бир тарафнинг кредит шартномаси шартлари асосида турга хос аломатлари билан белгиланган ашёларни иккинчи тарафга бериш мажбуриятини назарда тутувчи шартномани тузишлари мумкин.

Ашёларни кредитга бериш тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартноманинг берилган ашёларнинг миқдори, ассортименти, тўлиқлиги, сифати, идиши ва (ёки) ўралиши ҳақидаги шартлари товарларни олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ бажарилиши шарт.

Бажарилиши учун пул суммаларини ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни иккинчи тарафга мулк қилиб топшириш талаб қилинадиган шартномаларда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол белгилаб қўйилган бўлмаса, кредит бериш, шу жумладан, бўнак, олдиндан ҳақ тўлаш, товарларга, ишлар ёки хизматларга ҳақ тўлашни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида кредит бериш (тижорат кредити) назарда тутилиши мумкин.

Банк ёки бошқа кредит ташкилоти ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабат кредит ташкилотининг кейинчалик келишилган муддатларда кредит бериш (кредит линиясини очиш) мажбуриятини ва қарз олувчининг олинган кредитни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз ичига олади. Бунда кредит ташкилотининг қарз олувчига кредит суммасини бериш (ҳисобвараққа ўтказиш) бўйича реал шартномавий мажбуриятлари шартнома тузилган пайтдан бошлаб қарз олувчининг фоизларни тўлаш, кредитни қайтариш бўйича шартномавий мажбуриятлари эса агар тарафлар келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, кредит суммаси реал олинган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар, кредит ташкилоти томонидан қарз олувчи (қарздор) банкнинг пул маблағларидан амалда фойдаланган бутун даври учун, ҳатто актив (кредит/қарз) ўстирмаслик мақомига ўтказилган тақдирда ҳам пул мажбурият-

ларини кечиктириш даврини қўшган ҳолда ҳисобланиши мумкин.

Кредит мажбуриятларининг ижроси кечиктирилган давр учун неустойка (пеня ва жарима шаклида) ёки мажбуриятларнинг бажарилишини ўз вақтида таъминламаганлик учун оширилган фоизлар белгиланишидан фарқли ўлароқ, кредит шартномасида мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши муддати кредит ташкилоти томонидан узайтирилган тақдирда кредитдан фойдаланганлик учун фоиз устамасининг оширилиши (кўпайтирилиши) назарда тутилиши мумкин. Кредит шартномаси бўйича асосий қарзни (ёки асосий қарзнинг бир қисмини) қайтариш муддати узайтирилган даврдаги банк фоизлари устамасининг оширилиши қарздор томонидан мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганлик учун тўланадиган неустойка ёки оширилган фоизлар шаклидаги жавобгарлик бўлмай, судлар томонидан унга кредит маблағларидан, шунингдек, қонун ҳужжатларининг мазмунига кўра, қонун бўйича ҳар қандай ҳақиқий мажбурият гаров билан таъминланиши мумкин. Фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилишига йўл қўйиладиган ҳар қандай мол-мулк (корхона, бино, иншоот, жиҳоз, бошқа ишлаб чиқариш жамламалари, қимматбаҳо қоғозлар, пул маблағлари, мулкӣ ҳуқуқлар ва ҳоказо) гаров нарсаи бўлиши мумкин. Шу билан бирга, гаров ҳуқуқи шартнома билан гаровга қўвчининг мулки (тўла хўжалик юритиши)га келгусида қўшиладиган мол-мулкига ҳам татбиқ этилиши мумкин. Қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўвчи бўлиши мумкин.

Кредит шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар ижросини таъминлаш усули ҳисобланган гаров шартномасидаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Гаров тўғрисида”ги, “Гаров реестри тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Гаров турлари закат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқ гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулкӣ ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаи бўлиши мумкин, муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно.

Гаров тўғрисидаги шартномада, қонун асосида вужудга келадиган гаровга нисбатан эса қонунда гаровга қўвчи келгусида қўлга киритадиган ашёлар ва мулкӣ ҳуқуқлар гарови назарда тутилиши мумкин.

Агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мол-мулкка нисбатан гаров ҳуқуқи мол-мулкнинг нарсаларини ва таркибий самарасини ҳам ўз ичига олади. Гаров-

га қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган самара, маҳсулот ва даромадларга нисбатан гаров ҳуқуқи шартномада назарда тутилган ҳолларда татбиқ этилади.

Агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаров талабнинг амалда қондириш пайтидаги ҳажмини таъминлайди, хусусан фоизлар, неустойка, ижрони кечиктириб юбориш натижасида етказилган зарар тўланишини, шунингдек, гаровга олувчининг гаровга қўйилган ашёни сақлашга қилган зарур харажатлари ва ундирув харажатлари тўланишини таъминлайди.

Гаров келгусида пайдо бўлувчи талабларга нисбатан ҳам, башарти томонлар бундай талабларнинг гаров билан таъминланиш миқдори тўғрисида келишиб олсалар, белгиланиши мумкин.

Биргаликдаги умумий мулк бўлган мол-мулк фақат барча мулкдорларнинг ёзма розилиги билан гаровга берилиши мумкин. Бир нечта шахсга биргаликда қарашли бўлган ҳуқуқ унинг барча эгалари розилиги билангина гаровга қўйилиши мумкин.

Мулкдорнинг умумий улушли мулкдаги ўз улушини гаровга қўйиши қолган мулкдорларнинг розилик беришини талаб қилмайди.

Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд башарти шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса, нотариал тасдиқланган пайтдан шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганида эса у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Агар шартномага ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ гаров нарсаи гаровга олувчида туриши лозим бўлса, гаров ҳуқуқи унга гаров нарсаи берилган пайтда агар гаров нарсаи шартнома имзолангунга қадар берилган бўлса, шартнома имзоланган пайтда вужудга келади.

Гаров нарсаи бўлган мол-мулк қонунда белгиланган асосда ва тартибда мажбурий олиб қўйилган ҳолларда, агар бунинг эвазига гаровга қўвчига бошқа мол-мулк берилган бўлса, гаров ҳуқуқи шу мол-мулкка нисбатан татбиқ этилади.

Мол-мулк қисқа муддатли (олти ойга қадар) кредитга сотилган тақдирда, гаров ҳуқуқи сотиб олувчи ва мол-мулк савдосининг ана шу турини амалга ошириш ўз фаолияти доирасига кирадиган сотувчи ўртасида шартнома тузилган пайтдан вужудга келади.

Гаров нарсаини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади. Агар гаров нарсаи нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ё хўжалик юритиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра бекор қилинган бўлса, гаровга қўвчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса суд белгилаган муддатда) гаров нарсаини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақли.



# ЯРИМ АСРНИНГ ЗАНГОРИ ЛАВҲАЛАРИ

*Агар оилани дарахтга қиёслайдиган бўлсак, унинг бақувват танаси, шохлари ва япроқлари муқаддас заминдан қувват олишини эътироф этмоқлик лозим. Янги бир сулолага асос бўлган оиланинг тилларда дoston бўлиши учун эса дарахт илдизи сингари мустаҳкам бўлган оила бошининг меҳр-садоқати, сабр-қаноати муҳим аҳамият касб этади. Роппа-роса ярим аср шундай фазилят ила ҳаётнинг аччиқ тажрибаларини ортмоқлаб, кексаликнинг сокин хиёбонида кезишнинг ўзи асл фароват, одамзод учун.*



Бир қарашда серташвиш, бироз қизиққон кўринадиган фахрий судья Каримжон Толибовни умр аталмиш узун йўлнинг заҳматию машаққатлари, қувонч ва ташвишлари оғир ва вазмин, самимий ва меҳрибон нуронийга айлантирган бўлса ажабмас. Каримжон юзидан табассум, тилидан ширинсўз аримайдиган турмуш ўртоғи Замирахон билан кексаликнинг сурурли гаштини фарзандлар, набиралар, чеваралар ардоғида бақамти кўтариб юришибди. Бир-бирига тиргак бу нуронийларни кузата туриб беихтиёр файзу сурурга тўласан киши... Зотан, барчага шундай қарилик насиб этсин.

Каримжон Толибов Бухорои шарифнинг Абдухалиқ Гиждувонийдек валий зот таваллуд топган Гиждувон туманидан. Ўн ёшида ота-онасидан етим қолиб тириклик дунёсининг машаққатли меҳнатига кўни-кишга мажбур бўлади. Ўспиринлик пайтларида Зарафшон дарёсининг бўйларида тўнини устига ташлаб тунаб қолган кезлари бир кун келиб адолат тарозибони бўлиб етишишини ким ўйлабди дейсиз.

Ана шу мажбурият хисси бўлғуси ҳуқуқшуносни илм томон етаклаган бўлса ажабмас. Каримжон Толибов 1964 йилда Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқишга қабул қилинади, таҳсил давомида ота-онасидан эрта айрилгани учун ҳам дарсдан кейин ишлай бошлайди.

Ҳа, ҳаёт шундай. Кимнидир севинтириб кўқларга кўтаради, кимнидир маҳзунлик сари чорлайди. Бу икки қисматдан бахту омадни яратиш фақатгина инсоннинг эзгу ниятига, собит-иродасига боғлиқ. Бўлажак ҳуқуқшунос назарий билимларни яхши ўзлаштиргани боис Санкт-Петербург университетида илмий анжуманларда маъруза ўқиш шарафига муяссар бўлади. Таҳсилни тамомлаб, Марказқўм топшириғи билан Фарғона Политехника институтига ўқитувчи қилиб юборилади.

Илк бор вилоят судининг судьяси этиб тайинланганда тажрибали ҳуқуқшунос Музаффар Маҳмудовга шогирд тушиб, амалиётдан кўра кўпроқ назарияни пухта эгаллаган ёш судья иш бошлашдан аввал парда ортида туриб бир нечта суд жараёнларини эътибор билан кузатади. Кузатувлари жараёнида устозининг билими ва тажрибаси уни ҳамиша лол қолдирган. Бу даврда у бир

ҳақиқатга — устозининг бирор марта бўлмасин судланувчини “сен”лаб мурожаат қилмаганига, инсонийлик юзасидан барчанинг ҳурматини жойига қўйганига амин бўлади. Ишда ҳамиша тартиб-интизом ва ҳалоллик принципига амал қилиш лозим эканлигини тушуниб этади. Бу омиллар навқирон судьянинг касбига садоқатни шакллантирди. Икки йил Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси, тўққиз йил Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, вилоят суди судьяси, Фарғона шаҳар суди раиси лавозимларида фаолият юритганида ҳам Музаффар Маҳмудовнинг “ҳамиша билиб қўй, судья гапирмайди, эшилади” деган ўғитларини ёдидан чиқармади. Дарҳақиқат, 34 йил мобайнида судьялик фаолиятида шу ўғитга амал қилиб келди.

Каримжоннинг меҳнат фаолияти оиладаги тотувлик туфайли шарафли кечди. Турмуш ўртоғи Замирахон билан эллик йил фарзандларига ҳалолликдан, тўғрисўзликдан сабоқ берди. Тўрт фарзандни эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялади. Бугун уларнинг дилларида қувонч – набиралари ҳам камолотга етишди.

Яқиндагина муборак 80 ёшни қаршилаган Каримжон Толибов ҳар тонг шаҳар кўчаларини 2-3 километргача пиёда, гоҳида велосипедда сайр қилади. Шу ёшга етказганига шукрона келтиради. Нафақа ёшидаги ҳамкасбларини йўқлаб туради. Дарвоқе, ўзи ҳам нафақада бўлишига қарамай Ўзбекистон суд тизими фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ Марказининг Фарғона вилоят бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда. Марказ номидан фахрий судьяни таваллуд топган қутлуғ куни билан муборакбод этиб, янада узоқ умр кечиришини тилаб қоламиз.

Мақола қаҳрамонининг ҳаёт йўлларига боқиб бир ҳикматни англадик. Умрнинг зангори лавҳаларини бир бор кўргингиз келса, ярим аср турмушнинг аччиқ-чучук кунларини сабр билан енгиб садоқат маёғини оҳиста кўтариб олға бораётган нуроний отахон ва онахонлар зиёратига боринг. Ўшанда яшаш завқини янада теранроқ туясиз.

**Ўзбекистон суд тизими фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ Маркази**

# АЁЛЛАР ҲУҚУҚИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Президентимизнинг ПҚ-4235-сонли “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича таъқиқлар бекор қилинди, шу билан биргаликда, аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланди, болани парваришlash учун таътил олиш ва иш жараёни давомидида танаффус қилишнинг гендер тенгликни акс эттирувчи янги тартиби белгиланди.**

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги қуйидаги шахслар учун қўшимча кафолат ва имтиёзларни белгилайди:

- аёллар ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан банд бўлган шахслар;
- ёшлар;
- ҳам ўқиб, ҳам ишлаётган шахслар.

Ушбу кафолат ва имтиёзлар ишга қабул қилишда, иш ҳақи ҳисобланишида, таътил бериладиганда, саломатлигига таъсир қиладиган ишларга қабул қилинаётганда ва ҳ. к. қўлланилади.

Масалан, ҳомиладорлик ва болали бўлганлиги сабабли аёлларга ишга қабул қилишда рад жавобини бериш ва иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Аёлларга фарзанд дунёга келтиргунга қадар 70 (етмиш) календарь кун ва ундан кейин 56 (эллик олти) календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белги-

ланган тартибда нафақа тўланади. Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади. Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз дақиқадан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади.

Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (иш сменасининг) бошига ёки охирига кўчирилиб, иш куни (иш сменаси) шунга яраша қисқартирилиши мумкин.

Бу танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгилаб қўйилади.

Хотин-қизлар бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил қиладилар. Соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий хизматларда банд бўлганларнинг 79 % идан кўпрогини аёллар ташкил этади, таълим соҳасида 67,5 %, санъат соҳасида 44,7 %, қишлоқ хўжалигида 43,3 %, саноатда 42,1 %. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг маълумотларига кўра, тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёллар улуши қарийб 10 % ни ташкил қилади.

**Илҳом Насриев,**  
юридик фанлар доктори  
**Темур АКРАМОВ,**  
мустақил эксперт





Наргиза  
РАХИМЖОНОВА,  
ТДЮУ ўқитувчиси

# ЖИНОЯТЛАР ТАСНИФИНИНГ ФАРҚЛАНИШИ

**Ҳозирги кунда жазоларни мақбуллаштиришга эришиш, жавобгарликни фарқлаш, шунингдек, инсонпарварлик нуқтаи назаридан шахснинг ҳолатини яхшилаш мақсадида жиноятларни таснифлашнинг янги шакли сифатида “майда жиноят” тушунчаси киритилиши Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини Умумий қисми лойиҳасида белгиланган.**

Майда жиноятни қандай тушуниш керак ва унга қайси жиноятлар киради, деган ҳақли савол туғилади. Мазкур тушунча жиноят ҳуқуқи назариясига ўтган асрнинг 60-йилларидан бери маълум ва шу кунга қадар кўплаб жиноят ҳуқуқи мутахассислари орасида баҳсли тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда.

Майда жиноятни жиноят қонунчилигига киритишни Н.Ф. Кузнецова биринчилардан бўлиб ёқлаган. У майда жиноятни жорий этиш орқали судланганлик келиб чиқиши ҳолатлари камайишига, қонун чиқарувчи майда жиноятларни аниқ криминализация қила олишига, суд процесслари сони қисқаришига эришиш мумкинлигини таъкидлаган ва Жиноят кодексига уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган жиноятларни майда жиноятга киритишни таклиф қилган [1].

Э.В. Рогова майда жиноятни “қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этилиб жиддий зиён ва оқибат келтириб чиқармайдиган, ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган, олти ойдан бир йилгача қамоқ жазосини истисно этган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо назарда тутилган жиноятлар” деб атайди.

Унинг фикрига кўра, майда жиноятга, асосан, иқтисодиёт, экология, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигига қарши ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни киритиш лозим [2].

В.П. Махоткиннинг фикрича, майда жиноят бу ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар [3]. Н.Г. Иванов майда жиноятга ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни киритишни таклиф этади. Бошқа бир гуруҳ муаллифлар озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятларни киритиш керак деб ҳисоблайди [4].

Н.Г. Кадниковнинг нуқтаи назарида майда жиноят қонунда энг оғир жазо сифатида икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган қасд ёки эҳтиётсизликдан содир этилган жиноят [5].

Таниқли рус ҳуқуқшуноси Е.В. Рогова ўтказган сўровномага кўра, судья, терговчи, суриштирувчиларнинг 64 фоизи ушбу тушунчани жиноят қонунига киритишни ёқлади.

Мутахассисларнинг 55 фоизи майда жиноятнинг асосини кам аҳамиятли қилмишлар ташкил этиши кераклигини айтган бўлса, 47 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни, яна 22 фоизи маъмурий ҳуқуқбузарликларни майда жиноятга киритиш керак деб ҳисоблайди [6].

Фикримизча, кам аҳамиятли қилмишни майда жиноятга киритиб бўлмайди, чунки кам аҳамиятли қилмиш жиноий ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

Тўғри, майда жиноятга ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни киритиш керак, лекин барчасини ҳам майда жиноят сафига кўшиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси мисолида оладиган бўлсак, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга оқибатда одам ўлими келиб чиқадиган 99-модда (онанинг ўз чақалогини қасддан ўлдириши), 102-модда (эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш) каби жиноятлар ҳам киради. Ушбу жиноятларни майда жиноятга киритиш тўғри бўлмайди, оқибатнинг жиддийлиги қилмишнинг ижтимоий хавфи етарлича эканлигини кўрсатади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади) бу турдаги жиноятлар 103 тани ташкил этади. Мазкур жиноятларга уларнинг ижтимоий хавфи катта бўлмагани ва етказилган зарарнинг оғир эмаслигидан келиб чиқиб озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо белгиланмаган, қолаверса уларнинг катта қисми таркибида маъмурий преюдиция мавжуд жиноятлардир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларни қамоқ ёки бошқа оғирроқ жарима жазоси назарда тутилган турини майда жиноятга киритиш масаласига келсак, аввало, жиноят ва

маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаларини ўзаро фарқлаш лозим.

ЖКнинг 14-моддасида жиноят тушунчаси берилади. Унда Жиноят кодекси билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади, дейилади.

Демак, жиноят уни содир этганлик учун жазо қўлланиладиган, жамият учун хавфли, айбли қилмиш. Жиноят – инсоннинг онгли фаолияти, алоҳида кишининг онгли қонун билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишидир [7].

Маъмурий ҳуқуқбузарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 10-моддасида қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик деб белгиланган.


Жиноятни бошқа ҳуқуқбузарликлардан, хусусан маъмурий ҳуқуқбузарликдан фарқловчи асосий белги бу ижтимоий хавфлилики. Ҳар қандай ҳатти-ҳаракатни ҳам жиноят ҳисобламаймиз, фақатгина қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга зарар етказадиган ёки зарар етказиш хавфи остида қолдирадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ижтимоий хавфлилики фақатгина жиноятга хосми ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳам ижтимоий хавфлими, деган баҳсли қарашлар мавжуд.

Н.Д. Дўрмонов маъмурий ва интизомий тартибни бузадиган майда қилмишлар ижтимоий хавфли эмаслигини таъкидлайди [8]. Бошқа бир гуруҳ олимлар барча ҳуқуқбузарликлар ижтимоий хавфли, айниқса жиноят, у жамият томонидан баҳоланади, дейди [9].

Фикримизча, ижтимоий хавфлилики барча қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларда мавжуд. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида оз миқдорда талон-торож қилиш (61-модда) назарда тутилган. ЖКнинг 167-моддасида ҳам ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти белгиланган. Мазкур айбли қилмишнинг бир-биридан фарқи уларнинг ижтимоий хавфлилики даражасида. Жиноятларда ижтимоий хавфлилики юқори ҳисобланади, маъмурий ҳуқуқбузарликларда эса паст, лекин умуман йўқ деб бўлмайди.

Шунингдек, таркибида маъмурий преюдиция мавжуд жиноятларни майда жиноят-



га киритишни таклиф этамиз. Чунки, бу турдаги жиноятлар ижтимоий хавфи жиҳатидан маъмурий ҳуқуқбузарликка тўғри келса-да, уни такроран содир этилганлиги натижасида қилмиш Жиноят кодексига киритилади.

Фикримизча, ЖКда майда жиноят учун МЖТКда ўрнатилгандан кўра оғирроқ, лекин ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни кидан камроқ жазо белгиланади ва жазонинг миқдори шахсни тарбиялаш учун етарли бўлади. Қолаверса, мазкур жиноятлар ЖКда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар орасида учрайди. Бу билан нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни, балки унча оғир бўлмаганларини ҳам майда жиноятга киритган бўламиз. Натижада ҳар иккала таснифдан жиноятлар сони камаяди, жазоси эса либераллашади.

Хусусан, хорижий мамлакатларни оладиган бўлсак, майда жиноятни Собик иттифоқ давлатларидан биринчи бўлиб Латвия Республикаси ўз жиноят қонунчилигига киритди. Латвия ЖКнинг 7-моддасига кўра майда жиноят қонунда ўн беш кундан уч ойгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки ундан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар саналади.

Шахсни жавобгарликдан озод қилиш масаласи Латвия ЖКнинг 56-моддасида келтирилган бўлиб, майда жиноят содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтгач шахс жавобгарликдан озод этилади. Шунингдек, майда жиноят билан боғлиқ нормаларда шартли ҳукм ва жазодан озод этиш ҳам киритилган. Унга кўра шахс майда жиноят содир этган бўлса, қилмишнинг ижтимоий хавфлилики хусусияти ва етказилган зарардан келиб чиқиб, келгусида жиноят содир этмаслик билан огоҳлантирилиб, прокурор томонидан шартли ҳукм қилиниши мумкин. Суд алкоголь, наркотик, психотроп модда ёки бошқа заҳарли моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ майда жиноят содир этган шахсни агар у тиббий даволанишга рози бўлса, жазодан озод қилиши мумкин. Агар шахс суд тайинлаган вақт ичида даволанмаса, суд жазони ижро этишни тиклайди.



Чехия ЖКнинг 14-моддасида ижтимоий хавfli қилмиш оғир жиноятлар (фелония) ва майда жиноятлар (мисдиминор)га бўлинади.

Оғир жиноятлар қонунда кўпи билан ўн йилгача қамоқ жазоси белгиланган жиноятлар ҳисобланади. Майда жиноятларда кўпи билан беш йилгача қамоқ жазоси назарда тутилган.

Хусусан, онанинг ўз чақалогини ўлдириши (142-модда) уч йилдан саккиз йилгача қамоқ билан жазоланади ва бу оғир жиноят ҳисобланади, эҳтиётсизликдан одам ўлдиришда уч йилгача қамоқ белгиланган, бу майда жиноят саналади. Шунингдек, ЖК 144-моддасида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти учун уч йилгача қамоқ жазоси назарда тутилган, агар қилмиш ҳомиладор аёлга нисбатан содир этилса, икки йилдан саккиз йилгача қамоқ жазоси тайинланади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103<sup>1</sup>-модда) беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш, агар қилмиш ҳомиладорлиги айбдорга аён шахсга нисбатан содир этилса, беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Таққослайдиган бўлсак, Чехия қонунчилигида ушбу жиноят асосий таркибга кўра майда жиноятга киради, миллий қонунчилигимизда эса унча оғир бўлмаган жиноят саналади.

Латвия Республикаси ЖКнинг 12-моддасида Жиноят кодекси билан тақиқланган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо назарда тутилган, қамоқ жазоси бундан мустасно, қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) майда жиноят деб белгиланган.

Эстония Жиноят кодексига жиноий қилмишлар оғир жиноятлар ва майда жиноятга бўлинади. Оғир жиноятлар ўз ўрнида биринчи ва иккинчи даражали жиноятларга ажратилади. Биринчи даражали жиноятлар қонунда беш йилдан ортиқ ёки умрбод қамоқ жазоси белгиланган жиноятлардир. Иккинчи турдаги жиноятлар қонунда беш йилгача қамоқ ёки бошқа иқтисодий чеклов қўлланиладиган жиноятлар саналади.

Эстония ЖКнинг 3-моддасига кўра агар шахс ҳам оғир, ҳам майда жиноят содир этган бўлса, у фақат оғир жинояти учун жавобгарликка тортилади. Майда жиноят қонунда жарима, ушлаб туриш ва ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби жазолар назарда тутилган жиноятлардир. Ҳар иккала қилмиш қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин. Лекин, қилмишнинг эҳтиётсизликдан содир этилганлиги модданинг ўзида бевосита кўрсатилиши керак. Эстония ЖКда майда қилмиш учун қамоқ ёки бошқа оғир жазолар қўлланилмайди.

Швейцария жиноят кодексига ижтимоий хавfli қилмиш иккига бўлинади: жиноят ва майда жиноят. Ҳар иккала қилмишни ажратувчи ўзаро фарқ жазонинг ҳажми ҳисобланади. Жиноятларга қонунда уч йилдан ортиқ муддатга қамоқ жазоси белгиланган, майда жиноят уч йилгача қамоқ ёки жарима назарда тутилган қилмиш ҳисобланади. Жиноят кодексининг Махсус қисмида жиноят ва майда жиноятни моддада белгиланган жазодан ажратиш мумкин. Сабаби, ЖКнинг Умумий қисмида жарима миқдори белгилаб қўйилгани боис, Махсус қисмда жариманинг қанчалиги ёзилмаган, шунчаки майда жиноятнинг чекловида жарима белгиланиши айтиб ўтилган. Майда жиноят қасддан ҳам, эҳтиётсизликдан ҳам содир этилиши мумкинлиги ЖКнинг 12-моддасида келтириб ўтилган.

Хусусан, ЖКнинг 116-моддасида онанинг ўз чақалогини туғиш пайтида ёки туққач руҳий зўриқиш натижасида ўлдириши уч йилгача қамоқ ёки жарима билан жазоланади, деб белгиланган. ЖКнинг 117-моддасида эҳтиётсизликдан одам ўлдириш жинояти учун уч йилгача қамоқ ёки жарима белгиланган. ЖКнинг 123-моддасида қасддан шахсга ёки унинг соғлиғига шикаст етказиш жинояти учун уч йилгача қамоқ ёки жарима назарда тутилган. Мазкур қилмиш қурол ёки бошқа хавfli қурол билан содир этилган ҳолларда ҳам шу миқдорда жазо белгиланган. Қизиги шундаки, ушбу қилмишда қасд ёки эҳтиётсизлик айб шакли мавжуд бўлса ҳам жазо ўзгармайди. Ушбу жиноятлар Швейцария жиноят кодексига кўра майда жиноят деб белгиланса, миллий қонунчилигимизда улар ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноятлар сирасига киритилган. Демак, Швейцарияда майда жиноятга шахснинг ўлими билан боғлиқ жиноятлар ҳам кириши мумкин. Агар ўғрилиқ уни тақроран содир қилиш мақсадида таркиб топган гуруҳ аъзоси томонидан ёки ўғрилиқ қилиш учун ўзи билан ўт ёқувчи мослама ёки совуқ қурол олиб юрган шахс томонидан содир қилинса, қилмиш олти



ойдан ўн йилгача қамоқ билан жазоланади. Жазонинг миқдоридан кўриниб турибдики, ушбу қилмиш жиноят саналади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКда ўғрилиқ (169-модда) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилиши оғир жиноят ҳисобланиб, қонунда беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Австрияда қонун чиқарувчи жиноий ҳаракатлар тоифасини икки гуруҳга бўлади: оғир жиноят ва майда жиноят. Жиноятлар қасддан содир этилиб, уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Майда жиноятга қолган барча жиноятлар киради. Австрия жиноят қонунчилигида жавобгарликни фарқлаш, шартли ҳукм қилиш ва бошқа қоидаларни қўллаш жиноятларнинг таснифидан эмас, балки жазонинг ҳажмидан келиб чиқади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Жиноят кодексида майда жиноят мавжуд бўлган давлатлар майда жиноятга ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят сифатида қараган ва шу таснифдаги жиноятларни унга бирлаштирган. Миллий қонунчилигимизда унча оғир бўлмаган жиноятга мос қилмишнинг баъзи хорижий мамлакатларда майда жиноят саналиши, жамиятнинг ушбу қилмишни қандай қабул қилиши ва қанчалик ижтимоий хавф туғдиради деб ҳисоблаши билан боғлиқ.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бирор қилмишни криминаллаштириш ёки декриминаллаштиришдан олдин келиб чиқиши мумкин бўлган натижани прогноз қила билиш керак. Жиноят қонунчилигини кенг қўламли либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш жараёни туфайли унинг шахсни ахлоқан тарбиялаш, қайта жиноят содир этишининг олдини олиш, тартибга солиш каби функциялари қайсидир маънода чекинади.

Криминологлар таъкидлаганидек, "Ҳар қандай давлатнинг жиноий сиёсати тегишли нормалар ва институтларни такомиллаштириш орқали жиноятлар таркиби ва динамикасида қандай ўзгаришларга эришиш мумкинлигини аниқ тушунишга асосланиши керак. Акс ҳолда, қонун чиқарувчи томонидан мамлакатдаги криминологик вазиятни мураккаблаштирадиган, рецидивизмнинг кучайишига олиб келадиган ва жамоат тартибининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган қарорлар қабул қилиш имкониятини истисно қилиб бўлмайди.

Айтмоқчимизки, майда жиноятни жиноят қонунчилигига киритишда унинг доирасида қандай жиноятлар бўлишини аниқ белгилаб олиш шарт. Шу боис, турли мутахассислар-

нинг майда жиноятга оид таклифларини ҳам ўрганиб чиқиш керак.

Бизнингча, майда жиноятни икки ва ундан ортиқ марта содир этганда кўриладиган чораларни атрофлича ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, жиноятларни таснифлашнинг янги бир шакли сифатида майда жиноятларни киритиш ҳуқуқнинг турли соҳаларига (жиноий, жиноий процесс, жиноий ижроия) таъсир қилади, мазкур муҳим ўзгаришлар нафақат жиноий жараёнга, балки суд тизимини ҳам ислоҳ қилишга олиб келади.

Хулоса қиладиган бўлсак, майда жиноят тушунчаси кўп йиллардан бери жиноят ҳуқуқи назариясига таниш бўлиб, унга турли олимлар кўплаб таъриф берган.

Фикримизча энг мақбули майда жиноят – шахс, жамият, давлат манфаатларига жиддий зарар етказмайдиган, қасддан ёки эҳтиётсизликдан биринчи марта содир этилган, Жиноят кодексида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар билан жазоланадиган айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир.

Майда жиноятларни қонунчиликка киритишдаги аҳамияти, аввало, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар билан белгиланса, иккинчидан шахснинг эркинлиги, озодлиги олий қадрият эканлигини назарда тутати. Сабоби, майда жиноят учун судланганлик ҳолати келиб чиқмайди ва шахс жазо муддатини ўтагандан кейинги жамиятга қўшилишидаги узилишлар ёки маълум доираларда унга қўйилган чекловлар (масалан ишга қабул қилиш) нинг амал қилишини бартараф этади.

Шу билан бирга, мазкур ислохотни чуқур ўйлаш ва мутахассисларга ҳавола қилиш, уларнинг амалиёт билан боғлиқ фикрларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, майда жиноятлар доирасини аниқ белгилаш, маъмурий ҳуқуқбузарликларни жиноятга тенг билмаслик, шахснинг аҳволини оғирлаштирмаслик қўйилган вазифани амалда ўзини оқлашини таъминлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кузнецова Н.Ф. О совершенствовании уголовного законодательства // Российская юстиция. 2009. № 5. С. 14-15.
2. Рогова Е.В. Учение о дифференциации уголовной ответственности: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2014. С. 17
3. Махоткин В.П. Преступления, не представляющие большой общественной опасности (уголовно-правовое и криминологическое исследование): дис. ... д-ра юрид. наук. М., 1992. С. 111.
4. Иванов Н.Г. Указ. соч. С. 52, 55.
5. Кадников Н.Г. Понятие тяжкого преступления и вопросы совершенствования уголовного закона. М., 1994.
6. Рогова Е.В. Уголовный проступок: суждения экспертов // Библиотека криминалиста. 2013. № 2. С. 226.
7. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: "Янги аср авлоди", 2005.
8. Дурманов Н.Д. Понятие преступления. М., 1948. С.136





**Темурбек  
ЙЎЛДОШЕВ,**  
Республика  
суд-эксперти-  
заси маркази  
эксперти

## “СУД-КОМПЬЮТЕР-ТЕХНИКАВИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ” ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАРГА ЭГА?



**Рустамбек  
ТУРИМБЕТОВ,**  
Судьялар  
олий мактаби  
ходими

**Бизнинг электрон рақамли воситаларга бўлган талабимиз ортиб бормоқда. Афсуски, бундай талаб жамият ва инсоният фаолияти ривожига ҳисса қўшиши билан бир қаторда турли хил жиноятларни амалга ошириш учун қўлланилиш ҳолатлари ҳам кун сайин кўпаймоқда. Ушбу жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни фош этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида янги турдаги “Суд компьютер-техникавий экспертизаси” йўналиши жорий этилмоқда.**

Ушбу экспертиза тури техник экспертизалар синфига кирувчи мустақил экспертиза бўлиб, тергов жараёнида ёки иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларда объектнинг компьютер қурилмаси ёки мобил алоқа воситаси сифатидаги ҳолатини, жиноятни содир этиш жараёнидаги унинг ўрни ва ролини аниқлаш, ахборот сақловчи ва ташувчи қурилмаларда жиноятга алоқадор ёки иш учун аҳамиятли маълумотларни ажратиш олиш учун қурилмалар хотирасига маълумотлар бутунлигини сақлаган ҳолда, хавфсиз йўллар билан кириш, ҳамда ажратиш олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва саралаш мақсадида ўтказилади.

**Суд компьютер техникавий экспертизаси кенг қамровли тадқиқот турларини ўз ичига олади. Шу сабабли уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:**

- компьютер қурилмалари экспертизаси;
- ахборотлар экспертизаси;
- дастурий воситалар экспертизаси;
- тармоқ экспертизаси;
- радиоэлектрон қурилмалар, яъни мобил алоқа воситалари экспертизаси.

Ушбу экспертиза турининг объектлари – шахсий компьютерлар, мобил алоқа воситалари, ҳар қандай электрон маълумот сақловчи ва ташувчи хотира воситалари,

периферик қурилмалар, тармоқ ускуналари, операцион ва мобил операцион тизимлар, дастурий воситалар, матнли ва график ҳужжатлар, мультимедиа форматидаги аудио-видео маълумотлар, сим-карталар, фото-видео ускуналар, уларнинг маълумот сақловчилари ва бошқа шундай имкониятларга эга бўлган қурилмалар ҳисобланади.

Жиноий, иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш учун аҳамиятли бўлган ҳамда компьютер воситалари ёки мобил алоқа қурилмалари тизимларида ахборотларнинг пайдо бўлиши, узатилиши, таҳрирланиши ва ўчириб юборилиши каби алгоритмларни ўз ичига олган қонунларни ўрганиш асосида аниқланган фактлар экспертиза предмети ҳисобланади.

Хўш, “Суд-компьютер-техникавий экспертизаси”нинг вазифалари нималардан иборат?


**Ушбу экспертиза турининг вазифалари қуйидагилар:**

- тадқиқот объектнинг тури, техник ҳолати, ишлаш қобилияти, харақтеристикаси ва унинг вазифаларини аниқлаш;
- ахборот сақловчи ва ташувчи қурилмалар ҳамда маълумотлар базасидан жиноятга алоқадор ахборотлар олиш, ахборотларни саралаш, ҳамда суриштирув ёки тергов органига тушунарли кўринишда тақдим этиш;

- ахборотнинг хусусиятларини аниқлаш ва уларни тиклаш, шифрланган (паролланган) маълумотларни аниқлаш ва уларни очиш, аниқланган маълумотларни ҳисобот кўринишида сақлаш;
- мобил алоқа воситаларидан ишга тааллуқли ишончли маълумотларни саралаб олиш, тақдим этиш ва бошқалардир.

**Рақамли электрон қурилмалар ва ахборотлар устида экспертиза тадқиқотларини ўтказишда махсус техник ва дастурий воситалардан фойдаланилади. Махсус воситалар экспертга қуйидаги имкониятларни беради:**

- шифрланган маълумотларни (фойдаланувчи томонидан файл, каталог ёки дисклардан фойдаланишни чеклаш учун ўрнатилган турли хил калит сўзлари ўрнатилган ахборотларни) аниқлаш, уларни дешифрлаш ва ўқиш;
- тадқиқ қилинаётган объектга (компьютер воситаларига) уланган ҳар қандай қурилмаларни аниқлаш;
- объектнинг (компьютер воситалари ёки рақамли электрон қурилмаларнинг) техник имкониятларини аниқлаш;
- рақамли электрон воситалар хотирасидаги файлларнинг қўшимча маълумотларини ўқиш;
- рақамли электрон воситалар хотирасида ўчириб юборилган файлларни тиклаш;
- операцион тизим файлларидан маълумотларни олиш;
- 800 дан ортиқ файл форматларини таҳлил қилиш;
- электрон почта хатларини таҳлил қилиш;
- интернет браузер маълумотларини ўқиш;
- мобил телефонлардаги барча хабарлар, кўнғироқлар, мессенджерлардаги хабарларни олиш;
- мобил телефонларда ўчириб юборилган маълумотларни тиклаш;
- тўлиқ ҳисоботларни барча учун тушунарли файллар кўринишида яъни, «.doc», «.pdf» ва шу каби форматларда яратиш ҳамда бошқа қўшимча имкониятларга эга бўлади.



Янги турдаги экспертиза йўналишларини Адлия вазирлиги ҳузуридаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида жорий қилиш мақсадида 2019 йилнинг 5 августидан 20 декабрга қадар Республика суд экспертиза маркази тарихида илк бор марказнинг бир қатор ходимлари Беларусия Республикаси Давлат суд экспертизаси қўмитасининг “Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти”да қайта тайёргарлик ўтаб қайтдилар.

Республика суд экспертизаси марказида “Суд-компьютер-техникавий экспертизаси” йўналишидаги тадқиқотларни ўтказишни йўлга қўйиш учун жадал ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда Давлат хавфсизлик хизмати эксперт-криминалистика бўлими, Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази билан ҳамкорликда ушбу йўналишдаги тадқиқотларни ўтказувчи экспертлар учун услубий қўлланма яратилган бўлиб, ушбу қўлланма иш учун аҳамиятли фактларни аниқлаш масалаларини ҳал этиш мақсадида экспертларга услубий жиҳатдан қўл келмоқда.





# “МЕН ЮЗ ЁШГА КИРСАМ КЕРАК”

*Худди шу номда таниқли ҳуқуқшунос олим, истеъдодли детектив ёзувчи Комил Синдаровнинг ажойиб шеърлари жамланган янги китоби нашрдан чиқди. Эҳтимол, Сизда кимга қанча умр берилиши Яратганнинг амри, уни фақат ўзи билади, деган ҳақли эътироз бўлиши мумкин. Сиз ҳақсиз...*

Лекин, шоир буни бежиз ёзган эмас. Унинг юрагида шунчалик орзу-умидлари, мақсад-муддаолари кўпки, уларнинг барчасига етишмоқни чин дилдан истади. Шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади:

*Умидларим чексиз осмон,  
Ушалмоққа етмас саксон,  
Камлик қилар ҳатто тўқсон,  
Умр бунча учар ўқсан.  
Қилажакман ажиб тилак,  
Мен юз ёшга кирсам керак.*

Умрнинг ҳар бир лаҳзасидан маъно излаб яшаш Комил Синдаровнинг энг катта ҳаётий принципига айланган ва бундан ҳеч қачон чекинмайди. Мен бунга жуда кўп бора гувоҳ бўлганман. Ризқи-насибамиз кўшилиб Комил ака билан бугунги кунда Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида бирга ишлаяпмиз. Шунинг учун, у кишининг кундалик фаолияти билан яқиндан танишман.

Ҳали Олий мактаб кафедралари мудирлари билан ўқув дастурига киритиладиган дарс машғулотларини, ўқув жараёнига жалб этиладиган ўқитувчиларни танлаш, муҳокама қилиш билан банд бўлса, ҳали юриспруденция соҳасида илм қилаётган кўплаб шогирдларининг тадқиқотларини ўқиб, уларга илмий маслаҳатларини бераётган бўлади. Бир қарасангиз, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси сифатида қайсидир маънавий-маърифий тадбирда маъруза қилаётган бўлса, қайсидир пайтда шахмат ўйинини ривожлантириш борасида ёзилган китобга тақриз ёзиб ўтирган бўлади. Гап шундаки, кун давомида ҳамма ишга вақт ажратади ва уларни албатта амалга оширишга улгуради. Вақтнинг қадрига етиб яшаётган инсон, умрни муносиб қарши олишга қодир бўлади.

Дарҳақиқат, шоир ушбу китобининг алоҳида бир бобини “Ҳикматли дунё” деб номлаб, инсон умрининг моҳиятини, Яратган томонидан фақат бир марта ато этиладиган умрни мазмунли ўтка-



зиш кераклигини, вақт омонат ва бешафқат эканлигини гўзал ташбеҳларда ифодалаб беради.

*Аллақачон бошимда қиров,  
Балки бу бир ўзгача сир-ов,  
Нима деса – дейверсин биров,  
Қирқдан ошгим келмайди сира.  
Эллик, олтмиш қоқмоқда эшик,  
Икки қадам ортимда бешик,  
Икки ёнда, икки хил қўшиқ,  
Қирқдан ошгим келмайди сира.*

## ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШИШ – ФАХР

Комил Синдаров Судьялар олий мактаби директорининг ўқув-методик ишлар бўйича ўринбосари сифатида мамлакатимиз суд тизими тарихида биринчи марта ташкил этилган ушбу Олий мактаб фаолиятини такомиллаштириш борасида жуда кўплаб амалий ишларни қилмоқда. У кишининг бевосита ташаббуси билан Судьялар олий мактабида бир қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга самарали жорий этилди. Ушбу лойиҳалар бўлажак судьяларни тайёрлаш, амалдаги судьяларнинг ҳамда суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, уларни бугунги замон талаблари даражасида ишлашга йўналтириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Комил ака, шу соҳанинг етук мутахассисларидан бири сифатида судьянинг маънавияти ва маърифати ҳал қилувчи аҳамият касб этади, деб жуда кўп такрорлайди. Ва шундан келиб чиққан ҳолда судья ва суд тизими ходимларининг маънавиятини юксалтириб боришга қаратилган лойиҳаларнинг ташаббускори ҳисобла-

нади. Мана шундай лойиҳалардан бири, Судьялар олий мактаби тингловчилари билан халқимизнинг машҳур олимлари, шоир-ёзувчилари, йирик маданият ва санъат намоёндаларининг учрашувлари доимий равишда ташкил этиб келинаётганидир. 2020 йил давомида Судьялар олий мактабида бугунги кунда марҳум тарихчи олим, етук фикшшунос Убайдулла Уватов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, мамлакатимиз суд ҳокимияти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган ҳуқуқшунос, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Мингбоев, халқимизнинг сеvimли ёзувчиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хуршид Дўстмуҳаммадлар билан мана шундай учрашувлар ўтказилди.

Комил Синдаров муаллифлигидаги лойиҳалардан яна бири -- Судьялар олий мактаби тингловчилари таҳсил давомида албатта битта бадий китобни ўқиб чиқади ва шу асосда эссе ёзиб топширади. Шубҳасиз, инсоннинг маънавий камолоти китоб ўқишдан бошланади. Маърифатли бўлишнинг асосий воситаси – китобхонлик. Жуда кўплаб улугларимиз томонидан эътироф этилганидек, барча ҳақиқатлар китобда яширинган. Кўп мутолаа қилган инсон, ҳаёт ҳақиқатларини теран англайди. Энг муҳими, китобхон виждонига қулоқ солиб яшайди. Судьянинг китоб мутолаа қилиши уни ҳалолликка, покликка, адолатга ундайди. Судьянинг бирдан-бир вазифаси давлат ва жамият ҳаётида адолатни қарор топтиришидир. Демак, мана шундай лойиҳалар судья ва суд тизими ходимлари маънавиятининг юксалишида алоҳида аҳамият касб этади.

#### “ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ...”

Комил Синдаров “оққан дарё”нинг фарзандларидан бири. У кишининг бобоси ўзбек бахшичилик санъатининг йирик дарғаси, Қўрғон дostonчилик мактабининг асосчиси, бетакрор ижодкор Эргаш Жуманбулбул ўғлидир. Шеър ёзиш, бадий асар яратиш ўзбекча айтганда Комил Синдаровнинг “қонида бор”. Комил ака Эргаш Жуманбулбул ўғлининг дўмбирасидан таралган унутилмас наволари оғушида вояга етган.

Мақолаимиз ибтидосида айтиб ўтганимиз “Янги аср авлоди” нашриётида яқинда чоп этилган “Мен юз ёшга кирсам керак” китобида муаллиф болалик хотираларини қуйидагича эслайди: “Мен учун унутилмас хотирага айланган болалигим Оқтов ва Қоратовнинг ораллигида жойлашган, юртимизда мавжуд бешта дostonчилик мактабининг бири, бахшилар макони – Қўрғон қишлоғида ўтган.

Қўрғон дostonчилик мактаби Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ёдгор бахши, Лапас бахши, Мулла

– Мен Комил Синдаровни ўнлаб китоблари орқали детектив ёзувчиларимиздан бири сифатида яхши танир эдим. Яқинда “Муштум” журналида у кишининг “Саёзлик ботқоғи ёхуд замонавий қўшиқчилигимиз ҳақида оғриқли ўйлар” номли танқидий-таҳлилий мақоласини ўқиб, халқимизнинг куюнчак зиёлиларидан бири эканлигини билдим.

Муаллиф ушбу мақоласида бугунги куннинг энг муҳим, ўзи ёзганидек, оғриқли муаммоларидан бири – ўзбек қўшиқчилиги санъати, унинг саёзлашиб, ўта бачканаллашиб, айтиши лозим бўлса, оҳори тўқилиб бораётганлигини қаламга олади. Ҳақиқатан ҳам қўшиқчилик санъати халқнинг миллий маънавияти билан бевосита чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг “саёзлик ботқоғи”га ботиб бориши, маънавиятга, айниқса, ёшларнинг маънавий қарашларига салбий таъсирини кўрсатиши, шубҳасиз. Комил Синдаров мана шу жиддий масала тўғрисида асосли фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Муаллиф қуйидагича ёзади: “Туз” сиз қўшиқлар ҳали дунёқарашни тўлиқ шакланмаган, яхши-ёмонни ажрата олмайдиган ёш авлоднинг маънавий оламига салбий таъсир кўрсатади. Уларнинг қалбидан эзгу қадриятларни сиқиб чиқариб, мурғак юракларга аста-секинлик билан ёвузлик уруғларини сеиб боради. Бу таҳдид ҳар қандай ташқи таҳдидлардан ҳам хавфлироқ, зарарлироқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.”

Зиёлиларнинг олдидан турган вазифалардан бири шундаки, у давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалаларга кенг жамоатчиликнинг, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутасаддилари эътиборини қаратиши орқали мавжуд муаммо ва камчиликларнинг ечим топишига ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Шу нуқтаи назардан ҳам Комил Синдаровнинг юқорида айтиб ўтганимиз “Саёзлик ботқоғи ёхуд замонавий қўшиқчилигимиз ҳақида оғриқли ўйлар” номли мақоласи муҳим аҳамиятга эга, деб биламан.

Бундан ташқари, юридик фанлар доктори, профессор Комил Синдаровнинг жуда кўплаб ҳуқуқий, илмий-амалий, маънавий-маърифий мақолалари марказий ҳамда ҳудудий газета ва журналларда мунтазам чоп этиб келинмоқда.

Комил Синдаровнинг журналистларга хос бўлган синчковлик, қузатувчанлик билан ёзган мақолаларидан яна бири 2018 йил 9 май куни “Hurriyat” газетасида “Кўчалардаги тирбандлик: муаммо ва ечим” сарлавҳаси билан чоп қилинган. Муаллиф ушбу мақоласида ҳам кундан-кунга жиддий муаммога айланиб бораётган Тошкент шаҳри кўчаларидаги тирбандликлар, уни келтириб чиқараётган муаммоларни таҳлил қилади ва унинг ечими билан боғлиқ тақлиф-мулоҳазаларини билдириб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, Комил Синдаров халқ дарди билан яшаётган истеъдодли ижодкорларимиздан биридир.

**Хуршид  
ДЎСТМУҲАММАД,  
ёзувчи:**







**Абусайд КҶЧИМОВ, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги бош директори:**

– Журналистика соҳасида фаолият юрита бошлаганимдан буён, матбуотни, оммавий ахборот воситаларини ва унда чиқиш қилаётган журналист ҳамкасблар, зиёлилар ва бошқаларни доимо кузатиб келаман. Табиийки,

матбуотда оддий деҳқондан тортиб, академиккача бўлган барча-барча инсонлар, турли-туман касб эгалари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этади.

Лекин, улар орасида шундай мутахассислар ҳам борки, унинг ўтқир фикр-мулоҳазалари, мушоҳадалари дарров сизнинг эътиборингизни тортади. Мен матбуотдаги чиқишлари орқали яхши таниганим, ўзининг фикрига, кенг дунёқарашига эга бўлган, журналистика тили билан айтганда, қалами бор мутахассислардан бири юридик фанлар доктори, профессор Комил Синдаровдир.

Комил Синдаровнинг қайси бир мақоласини олманг, унда албатта, жиддий бир муаммо қаламга олинган бўлади. Озми-кўпми шу соҳада ишлаб келаётган мутахассис сифатида айтишим керакки, тўғриси ҳаётий муаммо ва камчиликларни ҳаммамиз кўрамиз, билиб турамиз. Аммо, баъзи бирларимизда буни айтишга журъат етишмаса, айримларимизда “қалам” етишмайди.

Комил Синдаровнинг 2019 йил 12 февралда “Инсон ва қонун” газетасида эълон қилинган “Ўқувчиларнинг мобил телефондан фойдаланишини тақиқлаш керак (ми)” номли мақоласи мени жуда кўп мулоҳаза қилишга чорлади. Ушбу мақолада муаллиф ҳам журналист, ҳам ҳуқуқшунос сифатида масалани атрофлича таҳлил этади. Бугунги кунда ўта долзарб муаммолардан бирига айланиб улгурган мактаб ўқувчиларининг уяли телефондан фойдаланишининг ижтимоий, маънавий оқибатлари билан биргаликда, унинг ҳуқуқий асосларини ҳам эътиборга олиб, ҳамма учун маъқул бўладиган ечим билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлайди.

Газета тили билан айтганда, битта “полоса” да жойлашган, ҳажм жиҳатидан унча ҳам катта бўлмаган мазкур мақолада муаллиф 100 дан ортиқ статистик маълумотларни келтириб, ушбу рақамларни киёсий таҳлил этади.

Сўнги пайтларда “Янги Ўзбекистон”, “Маърифат”, “Hurriyat”, “Адолат кўзгуси” ва бошқа ўнлаб газета ва журналларда Комил Синдаровнинг турли мавзулардаги мақолалари эълон қилинди.

Етук олим, фидойи зиёлиларимиздан бири, кўплаб мақолалари билан давлат ва жамият тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган Комил Синдаровни халқимизнинг истеъдодли инсонларидан бири сифатида ҳурмат қиламан.

Тош, Мулла Холмурод, Султон кампир, Тилла кампир, Жўлмон бахши, Бўрон бахши, Жуманбулбул, Ёрлақаб, Жоссоқ бахши, Қулсамад бахши, Қувондиқ бахши, Пўлкан шоир, Раҳматулла Юсуф ўғли каби бетакрор бахшичилик дарғаларини бирлаштирган. 300 йиллик тарихга эга бахшичилик мактабининг анъаналарини давом эттириш, боболарим кўлидаги дўмбирани олишни ҳавас қилдим ва ана шу эзгу мақсадни бурчим деб ҳисобладим. Шу сабаб Аллоҳ менинг қалбимга ажиб туйғулар солиб, илҳом бераётган бўлса, ажаб эмас.”

Дарвоқе, Комил аканинг онаси (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) Амирой ҳожи она ўша даврнинг маърифатли, кайвони аёлларидан бири бўлиб, қишлоқ кутубхонасида мудира бўлиб ишлаган. Шу сабабли, бугунги кунда юридик фанлар доктори, профессор Комил Ойдиновичнинг аксарият вақти қишлоқ кутубхонасида ўтган. Ўқишни ўргангунча оналари китобларни ўқиб берган. Китобга, илмга меҳр болалигидан пайдо бўлган. Онам раҳматли – инсон тақдирини ўзгартиришга қодир энг катта куч китоб бўлади – дея кўп айтардилар, деб оналарини эслайди ижодкор.

Отаси – Ойдин ҳожи Синдаров (У кишини ҳам Аллоҳ раҳмат қилсин) мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Халқ оғзаки ижодини жуда чуқур билган. Зиёли инсон сифатида фарзандини фақат билим олишга, ўқишга, ижод қилишга ундаган. Қаҳрамонимизнинг таъбири билан айтганда, “Мен адабиёт ва санъатни, шеърят ва дostonчиликни қадрлайдиган, севадиган муҳитда вояга етганман.”

Комил Синдаров 1960 йил 27 ноябрда Самарқанд вилоятининг Қўшрабoт туманидаги “Қўрғон” қишлоғида таваллуд топган. У киши тоғликларга хос ориятли халқи, минг йиллар силсиласида миллий анъана сифатида сақланиб, бугун ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келаётган машҳур бахшилари билан ном чиқарган, пойдор ва пурвиқор тоғлар қуршовидаги қишлоғи ва у қишлоқнинг содда, бироқ мард одамлари билан ҳаммаша фахрланади. Комил ака, аслида менинг кўлимга қишлоғимнинг гўзал табиати, бошқа ҳеч бир қишлоқ одамларига ўхшамайдиган дарёдил қишлоқдошларим қалам тутқазган, дейишдан чарчамайди. У ўзи туғилиб ўсган қишлоғини жуда севади, ҳаммаша соғиниб яшайди. Шеърларидан бирида қишлоғи ҳақидаги соғинчини шундай таърифлайди.

*Ширмой қулча нишган ўчоқ,  
Ёшлик гашти, болалик чоғ,  
Очармикан менга кучоқ,  
Қишлоғимга қайтсам агар.  
Осмонида юлдузи кўп,  
Барчинойи, қундузи кўп,  
Дўстлар ҳайрон, синдирар чўп,  
Қишлоғимга қайтсам агар.*

Халқимиз “оққан дарё оқаверади” деб бежиз айтишмайди. Эргаш Жуманбулбул бошлаб берган сулоланинг эзгу ишларини Комил Синдаров муносиб давом эттирган бўлса, бугун ушбу забардаст сулоланинг давомчилари яна бир янги авлод бўлиб етишиб чиқмоқда.

Комил Синдаровнинг набиралари Жавоҳир, Исломбек, Хумоюн каби ёш шахмат юлдузлари дунёни лол қолдириб, Жаҳон ва Осиё чемпионлари бўлиб етишди. Бундан бир неча йил олдин Исломбек ҳали 5 ёшлик гўдак пайтида тафаккур ўйини бўлган шахмат бўйича юксак мавқега эришган эди.

### КОМИЛ СИНДАРОВ – ДЕТЕКТИВ ЁЗУВЧИ

Комил Синдаров мутахассислиги ҳуқуқшунос. Суд ва прокуратура тизимида узоқ йиллардан бери фаолият юритиб келмоқда. У кишининг детектив асарлари ва ундаги қаҳрамонлар ҳам ёзувчи, ҳам ҳуқуқшунос қарашларидан келиб чиққан ҳолда яратилган. Муаллифнинг кўпроқ реал воқеликка асосланган асарлари аҳолининг, айниқса ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини орттириш баробарида суд-ҳуқуқ идоралари ходимларининг ҳам касбий маҳорати ва кўникмаларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ижодкорнинг “Қимматга тушган хато”, “Темурийлар кутубхонасининг сири”, “Кечиккан қасос”, “Амирликнинг олтин тахти изидан”, “Тунги қотиллик”, “Дорихонадаги қотиллик” ва бошқа ўнлаб детектив асарлари китоб ҳолида ўқувчилар қўлига етиб борган.

Мазкур асарларда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ниҳоятда машаққатли ва масъулиятли меҳнатлари, ушбу соҳадаги баъзи бир ҳаётий муаммолар ҳам ўз аксини топган. Детектив ёзувчининг мана шундай китоблари халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, улар суд-ҳуқуқ соҳасининг ривожланишига ижобий таъсирини ҳам кўрсатади.

Хуллас, муаллиф бу асарлари орқали терговчиларнинг ўта мураккаб иш жараёнининг ўзига хос жиҳатларини моҳирона очиб беради. Ва шу соҳадаги жиддий муаммоларни ҳам қаламга олади. Бу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, асар муваффақиятли чиқишининг асосий сабабларидан бири, Комил Синдаров шу соҳанинг тажрибали мутахассиси сифатида бу касбнинг барча сир-асрорларини жуда яхши билганлигидир...

Хулоса қилиб айтганда, кўп йиллардан буён Ватанимиз тараққиётига, халқимиз маънавиятининг юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган юридик фанлар доктори, профессор, таниқли детектив ёзувчи, истеъдодли шоир Комил Синдаровнинг ҳаёти кўпчилик ёшларимизга ибрат мактаби бўлади.

Дарвоқе, Комил Синдаров бу йил 60 ёшга тўлди. У кишини муборак ёши билан чин дилдан қутлаб, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Янги Ўзбекистон, янги жамият тараққиёти йўлидаги фаолиятига улкан муваффақиятлар ёр бўлсин.

Арслон Эшмуродов, журналист.

**Ботир САМАРХАДЖАЕВ,**  
юридик фанлар доктори, профессор:



– Мен Комил Синдаров билан кўп йиллардан буён бирга ишлаб келаяман. Умрни муносиб қарши олиш ҳақида гап кетганда мен у кишининг ҳаёт йўлини мисол қилиб келтирган бўлардим. Буни бежиз айтаётганим йўқ. Сабаби, Комил Синдаров ҳам ҳуқуқшунос олим, ҳам истеъдодли ёзувчи сифатида Ватандошларимиз қалбидан муносиб жой олган. Инсонлар меҳрини қозониш осон эмас, албатта. Бунинг учун жуда катта меҳнат, сабр-тоқат, фидойилик талаб этилади.

Бугунги кунда мана шундай инсоний фазилатларга эга олим билан 2019 йилда Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ва катта вазифалар юклатилган Судьялар олий мактабида бирга ишляпмиз.

У кишининг фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, замонавий юриспруденциянинг ўзига хос жиҳатларини теран англайдиган мутахассис, амалиётчи судья сифатида мамлакатимиз суд тизимини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб келаётганлигига амин бўламиз. Комил ака қайси даргоҳда ишlamасин, ўша тизимга самара келтирадиган кўплаб янги лойиҳаларнинг ташаббускори бўлади.

Бугунга қадар кўплаб шогирдлар етказган ҳуқуқшунос олимнинг 10 дан ортиқ илмий-амалий китоблари, монография ва дарсликлари, 200 дан ортиқ турли мавзулардаги мақолалари газета ва журналларда чоп этилган.

Тахлилий тафаккур соҳиби бўлган Комил Синдаровнинг ҳаёт йўли жуда кўплаб ёшларимизга ибрат намунаси бўлади, деб биламан.

Бугун муборак 60 ёшни муносиб қаршилаган ҳуқуқшунос олимимизнинг илм-фан йўлидаги машаққатли фаолиятига улкан муваффақият, узоқ умр ва мустаҳкам соғлиқ тилайман.







# ВОПРОС ТЕОРЕТИЧЕСКОГО И ЗАКОНОДАТЕЛЬНОГО ЗАКРЕПЛЕНИЯ ПРИЗНАКОВ АДМИНИСТРАТИВНОГО АКТА

**Джахонгир ДЖУРАЕВ,**  
кандидат юридических наук,  
старший преподаватель  
кафедры Государственного  
права и управления ТГЮУ

## АННОТАЦИЯ

*В статье рассмотрены теоретические признаки административного акта, его отличие от иных актов индивидуальных правовых актов государственного управления, проведён сравнительный анализ западной традиции регулирования административного акта, высказано мнение автора о законодательном закреплении признаков административного акта.*

**Калит сўзлар:** административные процедуры, административный орган, административный акт, признаки административного акта.

## ANNOTATION

*This article considers theoretical peculiarities of administrative act, its distinctions from other individual legal acts of administration. The author conducts a comparative analysis of regulation of administrative act in foreign countries and express his opinion to legally provide the signs of administrative act.*

**Keywords:** administrative procedures, administration, administrative act, signs of administrative act.



В целях развития и укрепления проводимых судебно-правовых реформ в Узбекистане был принят Закон Республики Узбекистан «Об административных процедурах» (далее – ЗАП)<sup>1</sup>, вступивший в законную силу с 8 января 2019 года.

Данный правовой документ направлен на установление процессуального порядка рассмотрения административных дел, укрепление законности в деятельности государственных органов, внедрение современных процедур реализации прав и законных интересов юридических и физических лиц. Иными словами, он призван дисциплинировать государственные органы, физические и юридические лица, обеспечивать своевременное рассмотрение жалоб (заявлений), что является гарантией приоритета прав и законных интересов граждан в обществе.

Как верно отметил Хван Л., административные процедуры сделают систему государственного управления более ясной, простой и прозрачной. Использование проверенных международной практикой процедурных принципов и институтов позволит значительно сократить возможности для злоупотреблений должностными лицами, повысит беспристрастность административного производства и защищённость заинтересованных лиц (т.е. граждан и субъектов предпринимательства) в процессе администрирования<sup>2</sup>.

В ЗАПе закреплены основные понятия: административный акт, административное производство, административное усмотрение, административное действие, административная процедура, административно-правовая деятельность и процессуальный акт. Данный Закон определяет, что административный акт – это «мера воздействия административного органа, направленная на создание, изменение или прекращение публичных правоотношений и порождающая определенные правовые последствия для отдельных физических и юридических лиц либо группы лиц, выделяемой по определенным индивидуальным признакам».

